



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ПАНДЕМИЯ ПАЙТИДА ТЎПЛАГАН КАТТА ТАЖРИБАМИЗ АСОСИДА МУНОСИБ ЯШАШ ВА ИШЛАШДА ДАВОМ ЭТИШИМИЗ КЕРАК

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 17 ноябрь куни суд қарорлари ижросини таъминлаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида мамлакатимизда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият таҳлил қилинди.

Жумладан, ўтган 8 ой мобайнида COVID-19 га қарши курашишда етарли тажриба тўплангани, тиббиёт ходимлари ҳам зарур малакага эга бўлгани таъкидланди.

Маълумки, “касаллик занжири”ни жиддий назорат қилган ҳолда карантин талаблари босқичма-босқич енгиллаштирилди. Аммо дунё мамлакатларидаги, қўшни давлатлардаги ҳолатни инобатга олиб, Ўзбекистонда бу касалликка қарши курашишни бир дақиқага ҳам тўхтатиб бўлмагани, чунки ҳавфхатар ҳали ўтиб кетмагани айтиб ўтилди.

Юртимизда ушбу вирус билан касалланганлар сони 70 минг нафардан ортгани, тузалганлар сони қарийб 68 минг (96 фоиз), ўлим кўрсаткичи 599 нафарни (0,9 фоиз) ташкил этаётгани қайд этилди.

Ҳокимлар, секторлар раҳбарлари ва соғлиқни сақлаш тизими мутасаддиларига қатор вазифалар юклатилди.

Аввало, коронавирус билан боғлиқ вазият доимий равишда жиддий таҳлил қилиниши, керакли хулосалар чиқарилиши лозим. Хусусан, ҳафтада камида икки кун ҳудуддаги пандемияга оид ҳолат билан алоҳида да шуғулланиб, штаб йиғилиши ўтказилиши, мунтазам равишда Республика махсус комиссиясига шахсан ҳисобот берилиши белгиланди.

— Яна бир марта таъкидлайман, бу касаллик бефарқлиқни асло кечирмайди. Шу билан бирга, биз коронавирус пайтида тўплаган катта тажрибамиз ва олган чуқур хулосаларимиз асосида муносиб яшаш ва ишлашда давом этишимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда Ўзбекистон бўйича 89 та муассасада 17 минг 500 ўрин COVID-19 билан касалланганлар учун ажратилган. Ҳозир ушбу ўринларда 6 минг 570 нафар бемор даволанмоқда. Қойкалар бандлиги Қорақалпоғистонда 16 фоиз, Хоразмда 10 фоиз, Қашқадарёда 11 фоиз, Наманганда 19 фоизни, республика бўйича эса 38 фоизни ташкил этяпти. Шу боис, улкан маблағлар бекорга сарф бўлаётгани қайд этилди.

Шу муносабат билан, мутасаддиларга коронавирусга ихтисослашган шифохоналар фаолиятини чуқур ўрганиш, уларни оптимизация қилиш топшириғи берилди.

Маълумки, таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш борасида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди, ушбу икки

масалада яқинда алоҳида видеоселектор йиғилишлари ўтказилди.

— Мени мазкур фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижроси, бу борада ҳокимлар қандай иш ташкил этаётгани ташвишга соляпти. Бугун ҳокимлар замонавий фикрлайдиган ва фидойи, жонқуяр халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларини ўз ёнига олиб иш кўрмас экан, амалий натижага эриша олмади, — дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур йўналишлардаги ислохотларни амалга оширишда қўйи бугун раҳбарларига шахсий намуна кўрсатиб, ҳафтада икки марта мактаблар ва тиббиёт муассасалари бўйича берилган топшириқлар ижроси билан шуғулланиши кераклиги қайд этилди.

ЎЗА



18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун

МУНАВВАР РАНГИНГДА БАТАН ЖАМОЛИ



Ўзбек тилининг изоҳли луғатида рамз — бир ғоя, тушунча, ҳодиса қабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белги ёки ишора, дея таърифланади. Зеро, инсон азал-азалдан бу оламда ўзининг борлигини, мавжудлигини исботлашга уринади. Бунинг учун тинимсиз ҳаракат, интилишдан тўхтамайди.

Ўз номини танитиш, бирор аниқ белгиси, қирраси билан намоён бўлиш у учун муҳим. Хаттоки мана шу қиёфа инсоннинг ор-номуси тимсолига айланиб кетган. Табиийки, бу сифат улар тузган давлат қиёфасига, рангу рўйи, оруз-интилишлари, асрий армонлари ва нурли келажакка боққан нигоҳларига ҳам кучади.

Давлат рамзлари ҳақида гап кетганда, илк дафъа кўз олдимизга турфа байроқлар келади. Улар юксакда мағрур ҳилпираб, бутун башариятга Ер шарида мамлакатлар ҳасби ҳоли бўлиб жилоланиб туради. Шукри, уларнинг сафида биз учун алоҳида кадр қимматга эга, сарбанд, кўрсак кўзимиз яшнайдиган, кўнглимизда фахру ифтихор балқийдиган бир ғўзал байроқ бор. Биз учун у энг чиройли, энг мукамал ва ягона туғ, туғро! Бу жонажон Ватанимиз, мустақил Ўзбекистониимиз байроғи.

Самоланган кўнглимизнинг ифтихор нури бўлиб кўзда порлаган муқаддас туғимиз бундан 29 йил аввал — 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуни билан тасдиқланган. Бу жафокаш ўзбек халқининг, яна унга елкадош, дўсту биродар, бир оила бўлиб, шу ҳудудда аҳил-иноқ, тинч-тову яшаётган 130 дан зиёд миллату элнинг улкан тарихий ғалабаси инъикосидир.

Байроғимиз шақлан бир мато, байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта андан таркиб топган, оқ рангли энинг четларидан

қизил хошиялар ўтказилган тўғри тўртбурчак шаклидаги мато. Аммо унинг шамойили, маънавий-руҳий қиёфасини сўз билан таърифлаб бўлмайди. У мақсадларимизнинг порлоқ машъали бўлиб, юксак марраларга чорлаб туради. Унга қараб биз ўзимизнинг борлигимизни, шу қажашонли дунёдаги мамлакатлар ичиди ўз ўрнимизга эгаллигимизни англаймиз.

Давлат байроғи давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланади. Буюк аждодларимиз азал-азалдан овоз ва хур яшашга интилган, бу йўлда молипо жонини аяман. Тарихда бунга истаганча исбот ва далиллар бор. Халқимиз минг йиллар мобайнида бошидан қанча-қанча босқини қиргинбаротларни, дилзорликларни ўтказди, бироқ уларнинг ҳеч бирига кўнмади, кўнмади. Аксинча, “хур туғилгон”ини (Чўлпон) англаиш учун курашиб келди. Бунинг энг яқин, энг ёрқин далили — ўтган аср аввалидаги жадидларимизнинг миллий озодлиқ учун қилган саъй-ҳаракатлари. Улар аслида бутун бир миллатнинг ички дунёси, ички орузларининг манзараси бўлиб майдонга чиққанди. Гуё вужудан бир байроққа айланиб кетган юртининг жасур ўғлонлари мисолида Ўзбекистон замини ҳеч қачон ёвга бўйсунмаслигини, ҳеч қачон тобе бўлмаслигини, аксинча, мустақилликка интилаверишини, хурриятга бўлган ташналигини қондирмагунча тўхтамаслигини исбот этди.

Давоми 4-бетда

Президент ташрифи ёшлар нигоҳида

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН, ЯНГИ МАРРАЛАР БИЗНИКИ!

Янги ғоялар, ташаббусларни амалга ошириш мақсади жилоланди



Шарифжон РАУПОВ, Шарши давлат университетети талабаси, “Мард ўғлон” давлат мукофоти совриндори:

— Президентимиз билан учрашувимиз худди оилада ота билан бола суҳбатлашгандек кечди. Давлатимиз раҳбари Қашқадарёнинг салоҳиятини оширишда биз, ёшларга таянишни ишонч билан айтди. Сўзга чиққан ҳар бир ёшнинг тақлифларини эътиборсиз қолдирмади.

Ўтган йили 29 декабрь куни Тошкентдаги Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб очилишида Президентимиз билан учрашиб, Қарши шаҳридаги Одина тарихий-меъморий мажмуаси ҳудудига Заргарлик мактаби ва Хунармандлар маркази ташкил

қилиш тақлифини айтгандим. Бир йил ҳам ўтмай, шу тақлифимиз амалга ошди. Яна музей ҳам қурилди. Бугун Хунармандлар марказида 20 нафар хунарманд ишлаяпти. “Устоз-шогирд” аънаъаси асосида шогирдлар тайёрлаяпмиз.

Ўзим олтинчи авлод хунармандман. Марказда дарсдан бўш вақтимда қадимий заргарлик санъатининг нодир намуналарини тиклаб, ёшларга ўргатяман. Бугун XIX-XX аср бошларида Ўзбекистонда тайёрланган ноёб заргарлик буюмлари, бетакорр тақинчоқлар дунёнинг Лувр, Эрмитаж, Метрополитен каби унлаб машҳур музейларини безаб турибди. Биз аждодларимиз ясаган бу ноёб нусхаларни қайта тиклашга киришдик.

27 ёшимда халқ депутатлари туман кенгаши депутати бўлдим. Мен сайланган округдаги Чақар-2 қишлоғида 17-умумтаълим мактаби жойлашган. Бу мактаб аслида 250 ўқувчига мўлжалланган, лекин унда 950 ўқувчи таҳсил оляпти. Атрофдаги Ғалча, Карвонгузар, Бойғузар, Чақар-1 каби қишлоқлардан 4 километрлаб йўл босиб келадиган болалар бор. Ёгингарчилик мавсумида йўллар лой, иккинчи сменда ўқиш кечкурун соат олтигача чўзилиб кетади. Қишнинг қиска кунларида қоронғуда уйга қайтишни айтинг. Мактабга келувчиларнинг 70 фоизи Ғалча қишлоғидан келади.

Президентимизга Ғалча қишлоғида 400 ўринли мактаб қуришда ёрдам беришини илтимос қилдик. Қўллаб-қувватлади ва мутасадди ташкилотлар раҳбарларига топшириқ берди.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувдан зўр қувват олдик. Янги ғояларни, ташаббусларни амалга ошириш мақсади жилоланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, бир гуруҳ ўқувчилар, талабалар, турли соҳада меҳнат қилаётган ёшлар билан учрашди. Очик, самимий мулоқот руҳида кечган учрашувда “Мендан энг катта мақсад-муддаоинг, бахтинг нима, деб сўрасаларим, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунёқарашини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, гурурифтхорини юксалтириш, оилавий бахтини кўриш”, деди давлатимиз раҳбари. Бундан руҳланган ёшлар муаммоларини, қизиқишларини, тақлиф ва истакларини ҳеч тортинмасдан айтди. Ўз навбатида, Президентимиз ҳам уларни қўллаб-қувватлади. Шу кунларда давлатимиз раҳбари билан учрашган ёшларнинг хаяжони, орзулари бир олам. Тарихий учрашув тафсилотлари ҳақида ақинлари, тенгдошларига сўзлаб беришдан чарчамаяпти. Ана шундай ёшлардан бир гуруҳнинг таассуротлари билан қизиқдик.

Энди давлат гранти асосида ўқийман



Мушарраф ИБОДУЛЛАЕВА, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетети талабаси, самбо бўйича жаҳон чемпиони:

— Қашқадарё вилоятининг Яккабўғ туманида туғилиб, ўсдим. Ота-онам таълим олишимиз учун яхши шароит яратиб берди. Болалигимдан спортга меҳр қўйдим, тумандаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига самбо билан мунтазам шуғулландим. Мактаб ёки туман миқёсида эришган натижаларим ҳам ота-онамининг кўнглини тоғдек кўтарди. 2017 йилда самбо бўйича Осиё чемпиони, 2017-2019 йилларда жаҳон чемпионати совриндори бўлдим. Бу йил эса Чехия давлатида ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритдим.

Айни камолимни кўрадиган пайтда, бундан уч йил аввал отам вафот этди. Биз, 4 фарзанд онамиз қўлида қолдик. Онам мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. У маоши билан ҳам оиламизни таъминлайди, ҳам Жиззах давлат педагогика институтини тўлайди. Аксига олиб бу йил Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия университетига ҳужжат топшириб, мен ҳам “шартнома”га илдиндим. Келаси йили қайта ҳаракат қилиб кўраман. Десам онам амаллаб ўқитаман, қиз боласан, бир йилгинчи йўқотма, деди.

Президентимизнинг Қашқадарё ёшлари билан учрашувига мени ҳам тақлиф қилишди. Унда мураббийим Гулдона Рўзиева сўзга чиқиб, мен эришаётган ютуқлар ҳақида ҳам гапирди. Шунда Президентимиз менга қарата: “Раҳмат, қизим! Сиз биз учун ифтихор ва гурурсиз” деди ва шартнома асосида ўқишга кирганимни эшитиб, ўқишимни давлат бюджети асосида давом эттиришимга шароит яратиб берди. Бундай имконият берилганидан жуда хурсанд бўлдим. Энди онам менинг ўқишим учун ҳам шартнома пули тўлашдан керак, деб сиқилмайдиган бўлди. Қолаверса, укам ва синглимга ҳам эътибор, шароит керак.

Бизнинг мамлакатимизда ўқиган, ҳаракат қилган инсон Президентимиз эътиборида эканига яна бир бор ишондим. Давлатимиз раҳбари менга шундай катта ишонч билдирди, шу ишончга яраша ҳаракат қиламан. Ватаним шаънини дунё сахнида ҳимоя қиламан, Ўзбекистон номининг янграшига ўз ҳиссамни қўшаман.

Давоми 2-бетда



Президент ташрифи ёшлар нигоҳида



Биз, ёшлар ҳаммамиз Президентимиз билан учрашувдан олдин жуда ҳаяжонландик. Лекин давлатимиз раҳбари залга кириб келиши билан тушундикки, у киши биз билан очиқ мулоқот қилиш, дардимизни, муаммоларимизни тинглаш, уларни жойида ҳал этиш учун ташриф буюрган. Шунинг учун бирдан ҳаяжонни унутиб, эркин фикрлай бошладик.



Эъзоа АЛИШЕРОВА, Зулфия номулдаги Давлат мукофоти соҳибаси:

— Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов ижод мактабининг битирувчиси-ман, хотин-қизларга олий таълим муассасаларига кириш бўйича ажратилган квотага асосан, Тошкент давлат юридик универ-ситетига давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилганимдан бахтиёрман. Муҳташам Ёшлар марказида Президентимиз Шавкат Мирзиёев билан ўтказилган учрашув бизга қанот берди, десак, адашмаган бўламиз. Учрашувда Президентимизнинг китобхонлик ҳақида билдирган фикрларидан илҳомланиб ёзган шеъримни ўқиб бердим.

Китоблар қатида қолган чехралар,
Силаб кўймайсизми ранглар юзини.
Рўшнолик кўрмаган мунгли дийдалар,
Жавонлар ортидан кутмоқда сизни.

Қўлингизга олинг, жонланар шунда,
Очдингизми бас, ёпа олмайсиз.
Ундаги садоқат, меҳр, бардошини
Бугун кинолардан топа олмайсиз.

Айтинг, ким китобдан кўрибди зиён?!
Тоғларни парчалар унинг фарёди.
Наҳотки, қалбизиз кўтармас исён,
Наҳот унутилса, ажодлар ёди?!

Улар курашдилар, тикдилар жонни,
Авлодлар гафлатда ётмасин дея.
Адолат, ҳалоллик, меҳр-муҳаббат,
Фақат китобларда қолмасин дея!..

Бошланиши 1-бетда

Фарзанд учун ота-онасига раҳмат олиб келишдан ортиқ бахт йўқ



Сурайё ШОДИЕВА, Косон туманидаги 15-умумтаълим мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси:

— Ўтган йили “Ёш китобхон” танловининг республика босқичида ғолиб бўлиб, “Spark” автомобили билан тақдирланганман. Ёшларнинг туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларида фаол иштирок этиб келаман. Лекин Президентимиз билан учрашаман, унга ёшларни, хусусан, қашқадарёлик йигит-қизларни қийнаётган муаммолар ҳақида гапираман, деб сира ҳам ўйламагандим.

Давлатимиз раҳбари учрашувда “Ёш китобхон” танлови республика босқичи ғолиби эканимни билгач, “Сиздай фарзандни тарбиялаган ота-онангизга менинг номимдан раҳмат айтиб, миннатдорлигимни етказиб қўйин”, деди. Шу сўзларни эшитган пайтдаги қувончимни, ҳаяжонимни тасвирлаб бера олмайман. Гуё осмонда учиб юрардим. Фарзанд учун ота-онасига раҳмат олиб келишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Умумтаълим мактабида ўқитувчи-ман. Айни пайтда илмий иш билан ҳам шуғулланяман. Ўтган йили шу илмий ишим юзасидан “Қашқадарё воҳаси адабий мактаблари” номли


китоб чиқаришимга тўғри келди. Очигини айтсам, 50 дона мўъазгина китобчини “Насаф” нашриёти 1 миллион 800 минг сўмга чоп этиб берди. Шунда китоб чиқариш қиммат бўлиб кетганидан ранжидим. Президентимиз билан учрашувда китоб чиқариш қимматлиги, бу эса ёшлар китобхонлигига салбий таъсир қилаётганини айтдим.

Мен тўрт ўғилни оилага келин бўлиб тушганман. Ёш оила бўлганимиз учун уй масаласида бироз қийинчиликларга дуч келяпмиз. Учрашувда давлатимиз раҳбарига ёшларга имтиёзли уйлар бериш масаласида мурожаат қилдим. Президентимиз айтган таклифларимни диққат билан тинглаб, тўғри қабул қилди. Тегишли ташкилотлар раҳбарларига биз ўртага ташлаган муаммоларни ҳал этиш бўйича кўрсатмалар берди. Ёш оилалар учун имтиёзли уйлар қуриш масаласини ҳам ҳал этиш лозимлигини таъкидлади.

Вилоятимиз ҳокими ёш ижодкорларнинг китобларини чиқариш учун фонд борлигини, шу фонд ёрдамида ёшлар ўз китобларини чиқариши мумкинлигини айтганида, тўғриси, жуда қувондим. Биз, ўқитувчи ва зиёлилар ёшларни китоб ўқишга ундаяпмиз, лекин китобни кўп нусхада чиқариш осон эмас. Шундай фондлар кўпайса, китоблар ҳам кўпаяди, ёшларда мутлоага меҳр уйғонади, деб ўйламан.

Хуллас, учрашувдан олган таассуротларим бир олам. Истагим, вилоят ва туманлар раҳбарлари ҳам Президентимиздан ўрнак олиб, ёшлар билан тез-тез учрашиб турса, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, қийнаётган муаммоларини ҳал этишга ёрдам берса... Шунда ҳаётимизнинг ҳам фаоллиги ошиб, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида янада шижоат билан меҳнат қиларди.

Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас



Ситора ЭРГАШЕВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси:

— Сўнгги йилларда юртимизда мактабга, умуман, таълим тизимига жуда катта эътибор берилмоқда. Кўплаб шаҳарлар, туманлар марказлари ва қишлоқларда таълим марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ мен яшайдиган Яккабўғ туманида бундай марказлар жуда кам. Қишлоқларда эса умуман йўқ, деса ҳам бўлади. Борлари қиммат. Шу боис, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бундай марказларга катнамайти, қўшимча билим олишдан маҳрум. Аслида уларда ўқишга иштиёқ кучли. Лекин имкониятлари кам бўлгани учун олий ўқув юртиларига кира олмайди.

Қарши шаҳрида Президентимиз билан бўлган учрашувда мен шу муаммони ўртага ташладим. Тўғриси айтсам, аввал бироз ҳаяжонландим. Лекин давлатимиз раҳбари: “Мен сизларнинг кўзларингизга қараб, очик

мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришишни хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг илоҳи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун кўркмасдан, ўз ота-оналарингизга нима дейишни хоҳласаларингиз, ҳамма фикрларингизни бемалол айтинглар”, деганидан сўнг ҳаммамиз очик-ойдин сўзладим. Агар менга имконият яратиб, ўқув маркази очиб берилса, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини текин ўқитишга тайёр эканимни билдирдим. Шунда давлатимиз раҳбари, “Талаба экансиз, Тошкентда туриб, қандай дарс берасиз?” деган ҳақли саволни ўртага ташлади. Мен эса Яккабўғда бундай хайрли ишни қилишга иштиёқманд ёшлар кўпчилигини, ўзим ҳам уларга ёрдам беришга тайёрлигимни билдирдим.

Қувонганим, Президентимиз бу муаммага шу жойининг ўзида ечим топди. Тегишли вазирлик ва идораларга ўқув маркази учун 10 та хона ажратиш, бошқа шароитларни қилиб бериш бўйича вазифалар юклади. Айни пайтда ўқув маркази очилдек ширин ташвишлар билан бандман. Университетимиз раҳбарияти ҳам ишимни охирига етказиб олишим учун имконият яратиб берди.

Мен бу йил хотин-қизларга ажратилган қўшимча квота асосида 180 балл тўплаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига ўқишга кирдим. Энг муҳими, мен ўқишга тайёрлаган беш қиз ҳам олий ўқув юртилари талабаси бўлди. Эндиги мақсадим, университетда аъло баҳоларга ўқиб, келгусида ёшларга чет тилларни ўргатиш, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини дунёга кўрсатиш.

Виждон амри билан ишлашимиз керак

Темурбек ПОЁНОВ, Ёшлар ишлари агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиги ўринбосари:



— Президентимиз билан учрашувда биз, ёшлардан таклифлар тингланиб, уларнинг аксарияти қўллаб-қувватлангани барчамизнинг қалбимизда қувонч, ўзимизга бўлган ишонч ҳисларини кучайтирди, десам муболага

бўлмайди. Асли ўқитувчилик касбини танлаб, Қарши давлат университети-нинг психология йўналишини имтиёзли тамомлагач, меҳнат фаолиятини Ички ишлар вазирлигининг Қашқадарё академик лицейида психология фани ўқитувчиси сифатида бошладим.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга бормасин, ўзгаришлар, камчиликларни диққат билан кўздан кечирилади. Одамлар билан самимий мулоқот қилиб, ёшлар фикри билан қизиқади. Бу гапги учрашувда мен ҳам Халқ таълими бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим бўлими етакчи мутахассиси сифатида Президентимизга ўзимнинг бир қанча таклифларимни билдириш бахтига муяссар бўлдим. Хусусан, дам олиш кунлари ёшларни бирор машғулотга йўналтириб, уларнинг бандлигини таъминлайдиган, вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қиладиган марказ ташкил этишимиз учун хона ажратилишини сўрадим.

Президентимиз бу таклифимни бажонидил қўллаб-қувватлади ва бизга хона ажратилди. Давлатимиз раҳбарига, айниқса, мактабларда оила психологияси фанини киришти таклифим маъқул келди. Бу фаннинг ўқитилиши 10-11-синфлар ўқувчиларида оилага, ўз ишига бўлган масъулият, дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилади.

Ҳар қандай инсон тарбияни, аввало, оиладан олади. Менинг бобом Поён Равшанов “Ўзбекистон тарихи”, “Қашқадарё тарихи”, “Қарши тарихи”, “Темуррийлар силсиласи” каби 70 дан ортиқ илмий ва бадиий рисола муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи бўлган. Мен у кишининг қўлларидан тарбия топиб, болалиқдан китобларга меҳр қўйдим. Бобом “Фақат ўқи, доим ўз устингда излан”, деган гапни кўп такрорларди. Бугун бобомдан қолган катта маънавий мерос уйимиздаги кутубхонада сақланади. Ҳовлимиз кичикроқ бўлгани боис, у ерга кўпчилик кириб, мутлоаа қилиши учун шароит

йўқ. Шу сабабли учрашувда давлатимиз раҳбарига: “Мана шу юртингиз содиқ фарзанди сифатида менинг битта орузим бор: бобом Поён Равшановдан қолган 42 мингта китобни бошқалар ҳам ўқиши учун шаҳримиздан бир жой ажратсангиз, ўша ерда кутубхона очасан”, дея сўраганимда, Президентимиз бундан жуда хурсанд бўлиб кетди ва менга “Ҳамиша сендек ёшларни ўрнак қилгим келади, раҳмат, сенга”, деди.

Ишончим комилки, ташриф доирасида белгилан берилган вазифаларнинг ижроси вилоятимиз салоҳиятини янги босқичга олиб чиқиб, ёшларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечирishi учун муҳим пойдевор бўлади. Албатта, вазифалар нийоятда масъулиятли, уларни амалга ошириш учун барчамиздан фидоийлик ва қатъийлик талаб этилади.

Айни вақтда фаолиятимиз Ўзбекистон ёшлар агентлигининг Қашқадарё бошқармаси бошлиги ўринбосари лавозимида давом эттирялман. Бу менга берилган катта имконият, юксак ишонч бўлиб, мени доим олдинга интилишга, ўз соҳамда садоқат билан меҳнат қилишга ундайди.

Уй олгач, албатта, хат ёзаман



Шоҳида ЖЎРАЕВА, Қарши давлат университети талабаси:

— Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга, янги очилган Ёшлар марказига ташриф буюриши ва биз билан шахсан мулоқот қилиши ёшларга катта қувонч бағишлади. Йигилишда Президентимизга “Бахт уйлари” қошида Ёш психологлар марказларини ташкил қилиш таклифини билдирдим. Бу орқали эрта турмуш қуриш, ажримларнинг олдини олишга эришган, шу билан бирга, мамлакатимизда мустаҳкам, бахтли оилалар сонини оширган бўларди. Яна бир жиҳати, бундай марказлар олий таълим даргоҳларини шу йўналиш бўйича битириб келаётган ёшлар бандлигини таъминлашда жуда катта замин бўлади. Шунингдек, марказлар ёш оилаларнинг психологик маданиятини ошириш, уларни катта ҳаётга тайёрлаш борисида муҳим аҳамиятга эга эканини айтдим. Ушбу таклиф давлатимиз раҳбарига маъқул келди.

Турмуш қурганимга энди йигирма кун бўлди. Ёш оила эканимни билган Президентимиз учрашувдаёқ 2 хонали уйлардан бирини совға тариқасида тақдим қилди. Бу эса мени чексиз қувонтирди. Оилам билан туманда турамиз, олийгоҳимиз эса шаҳарда жойлашган. Ўқишга катнаш менга қийинчилик туғдирарди. Шаҳар марказидан уй олиш ниятимиз бор эди ва бу ният Президентимиз билан ўтган учрашувда амалга ошди. Бундан бошим кўкка етди.

Давлатимиз раҳбари уйнинг қайси қаватда бўлишини хоҳласан, ўзинг танла, уйни олганингдан кейин, мана шу уйни олдим, деб менга хат ёзишни унутмагин, деб таъкидлади. Мен эса уйни иккинчи қаватдан танлашни ният қилдим. Уйни олгач, албатта, Президентимизга хат ёзаман.

Коллежни битирганимдан сўнг ёшлар етакчиси вазифасида иш бошлаганман. Айнан ёшлар ташкилотида катта бўлганман, десам адашмайман. “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишонини билан тақдирланганман. Шу йил Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияномасига кўра, кириш имтиҳонларисиз давлат гранти асосида Қарши давлат университети-нинг хорижий тиллар факультети филология ва тилларни ўқитиш (инглиз тили) таълим йўналишига ўқишга қабул қилиндим.

Президентимизнинг менга билдирган ишончи ва ғамхўрлигини ўз меҳнатим ва билимим билан халқимизга хизмат қилиб оқлайман.

Давлатимиз раҳбари уйнинг қайси қаватда бўлишини хоҳласан, ўзинг танла, уйни олганингдан кейин, мана шу уйни олдим, деб менга хат ёзишни унутмагин, деб таъкидлади. Мен эса уйни иккинчи қаватдан танлашни ният қилдим. Уйни олгач, албатта, Президентимизга хат ёзаман.

тисодиётни қанчалик тез ўрганса, мамлакат ривожини шунча тезлашади.

Шу ўринда, талаба экансиз, Тошкентда туриб ёшларга қандай қилиб дастурчиликни ўргатасиз, деган савол туғилиши табиий. Онлайн тарзда ўргатаман. IT соҳа учун онлайн дарс ўтиш ҳам самарали.

— Мен Темурбеклар мактабини муваффақиятли тамомлаб, ҳарбий авиация йўналиши бўйича мутахассис бўлишни қатъий мақсад қилдим. Бугун бизга таълим бераётган устозлар, ҳарбий қисмлардаги амалий машғулотлар жараёнида касб сирларини ўргатаётган офицерлар, ҳатто полковникларнинг ҳам ўз устиди ишлаётгани, изланаётганидан ҳайратга тушаман. Авиацияни ўрганиш бир ёки иккита китобни ўқиш билан бўлмас экан. Бу

касбга оид билимлар йиллар давомида ҳар куни тўлдириб боришни талаб этади.

Билим юртига келгач, ўқиш ва машғулотлардан бўш вақтимиздан ҳам унумли фойдаланишга одатландик. Қайсидир дўстим расм чизади, кимдир қўшиқ айтадиги қизиқади. Менинг сеvimли машғулотим эса — шеър ўқиш. Ўзим ҳам шеър машқ қилиб тураман. Президентимиз билан очик мулоқот давомида ўз таклифларимни айтиш баробарида “Ватан” номли шеъримни ҳам ўқиб бердим.

Кўкда парвоз қилиб англайман ҳар он,
Сендай гўзал гўша йўқдир дунёда.
Қуёш ҳам қизганмас заррин нурларин,
Сўлим водийларинг сенга кўрк, Ватан!

Ҳаво сарҳадларинг дахлсизлиги,
Бизларнинг энг олий мақсадимиздир.
Олий бош қўмондон суянгин бўлиб,
Оқлаймиз ул зотнинг ишончин, Ватан!

Дастурларни бепул ўргатмоқчиман



Давлат РАУПОВ, Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети талабаси:

— Тўғриси айтман, биз, ёшлар ҳаммамиз Президентимиз билан учрашувдан олдин жуда ҳаяжонландик. Лекин давлатимиз раҳбари залга кириб келиши билан тушундикки, у киши биз билан очик мулоқот қилиш,

дардимизни, муаммоларимизни тинглаш, уларни жойида ҳал этиш учун ташриф буюрган. Шунинг учун бирдан ҳаяжонни унутиб, эркин фикрлай бошладик.

Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети иккинчи босқич талабасиман. Шу билан бирга, тадбиркорлик ҳам қиламан — дастурчиман. Бугун дунёни ахборот технологияларисиз, компьютерсиз, дастурларсиз тасаввур қилиш қийин. Ривожланишни истаган давлат борки, рақамли иқтисодиётга катта эътибор қаратмоқда. Юртимизда ҳам IT парклари очилаётганидан хабарим бор. Лекин мен яшайдиган Муборақда бу ишга ҳали киришилмаган эди. Президентимиз билан учрашувда Муборақда IT парк очиш масаласини ўртага ташладим. Агар шундай парк очиладиган бўлса, ёшларга дастурларни текин ўргатишга тайёрлигимни билдирдим.

Давлатимиз раҳбари гапларимни тинглаб турди-да, албатта, ёрдам кўрсатишини айтди. Олти ойда Муборақда IT парк қуриш топширинини берди. Бундан жуда қувондим. Чунки ёшларимиз рақамли иқ-

Муаммоларимиз ўз ечимини топди



Бобур ҚУРБОНОВ, Қарши шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби спорт мураббийи:

— Юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тўққиз ёшимдан таэквондо билан шуғулланиб, машғулотларда

тобланиб ўсдим. 2011 йилдан кўл жанги ва аралаш яккакураш билан шуғулланиб келяпман. Бу орада мамлакат ва жаҳон чемпионатларида иштирок этиб, кўл жанги бўйича 8 қарра Ўзбекистон чемпиони, жаҳон чемпиони совриндори бўлдим. Италияда ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритдим.

Қашқадарёда истеъдодли спортчилар кўп. Бироқ машғулотлар ва мусобақаларга тайёрлаш учун спорт анжумлари етишмаслигидан қийналамиз. Баъзан йиллаб машғулотларда тайёрланган боланинг мусобақага бориб-келиши учун моддий имкони бўлмайди. Бу эса етилиб келаётган спортчини “синдиради”.

Юртимизда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича муваффақиятга эришган ёшларга тегишли ёки ҳарбий йўналиш бўйича олий ўқув юртига кириш учун имтиёзлар яратилган. Аралаш яқша

кураш спорт турлари дастурга киритилгани учун эътибор етарли эмас. 100 га яқин шоғирдим орасида бундай имтиёзга лойиқлари бор. Масалан, Рамазон Темиров кўл жанги бўйича 7 қарра Ўзбекистон, бир қарра Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати совриндори, Алишер Серобов эса кикбоксинг бўйича Ўзбекистон чемпиони, вилоятда ўтказилган турнирлар ғолиби. Уларга ҳам ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар берилишини истардим.

Вилоятимизда Президентимиз билан ўтказилган учрашувда бу каби орзуларимиз амалга ошди. Бизга спорт инвентарлари ажратиладиган, 10 нафар ёш спортчимиз эса имтиёзли равишда олий ўқув юртиларига қабул қилинадиган бўлди. Мендан кўра, имтиёз ажратиладиган ёшларнинг қувончини кўрсангиз эди! Бу ишонч бизни янада руҳлантирди.

Интервью



СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ЎЗ ВАҚТИДА ТАЪМИНЛАНИШИ ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида суд ҳужжатларини ижро этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.



Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори:

Йиғилишда суд ҳужжатларини ижро этиш ҳолати туман ва шаҳарлар мисолида қўриб чиқилди. Қарздорликларни қисқартириш бўйича мамлакат даражасида алоҳида, ви-

лоят ва туманлар миқёсида алоҳида тизимда иш олиб борилиши белгиланди. Тегишли идора, ташкилотлар мутасаддилари ва вилоят ҳоким-

лари мазкур йиғилишда белгилаб берилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифалар хусусида сўз юритди.

масъул мутасадди тузилмалар ушбу қарорни ўз вақтида бажармасалар, унда ҳужжатни мажбурий ижро этишга киришилади. Ижрочиларнинг ҳалқ вакиллари, жамоатчилик олдидаги масъулияти ва жавобгарлиги оширилади. Тегишли органларнинг раҳбарлари бу борадаги фаолияти юзасидан ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ҳар ярим йилда ҳисобот тақдим этади.

— Ҳақиқатан, мазкур соҳада катта муаммоларимиз мавжуд. Бугунги кунда 17 триллион сўмлик 1,2 миллионга ҳужжат ижроси таъминланмагани ҳам аини ҳақиқат. Соҳада 400 минг сўмчага бўлган маблағларни ундиришга оид ҳужжатлар 60 фоизни ташкил этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу камчиликлар танқидий таҳлил қилиниб, уларнинг ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Вазифаларни бажаришда йўналишлар кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, суд ҳужжатларини ижро этиш самарадор-

лигини ошириш бўйича Бош прокурор раҳбарлигида республика кенгаши ва вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳудудий кенгашлар тузилади. Ижро этиш соҳасини такомиллаштириш, унинг олдидаги тўсиқларни бартараф этиш, тизимни янада ривожлантириш мазкур кенгашнинг асосий вазифаларига қиради. Шунингдек, кенгаш ўз фаолияти доирасида давлат ижрочилари олдида турган маблағларни ундириш, ишга жойлаш, умуман, суд қарорлари ижросини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда бевосита иштирок этади.



Ҳасан КАБИРЖОНОВ,
Мажбурий ижро
бюроси директори:



Қобил ТУРСУНОВ,
Навоий вилояти ҳокими:

— Вилоятда бугунги кунда солиқ ундируви билан боғлиқ ижро ҳужжатларининг қарийб 43 фоизи, яъни 9 миллиард 400 миллион сўми айна битта ҳудуд — Қизилтепа туманига тўғри келмоқда. Секторлар, туманнинг иктисодиёт комплекс раҳбарлари ва мутахассислари билан ҳамкорликда бу муаммоларни бартараф этиш бўйича тегишли вазифаларни белгилаб олдик. Мавжуд қарздорликни камайтириш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқиб, ижрога қаратамиз. Иккинчи муҳим масала ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий кенгашлар ташкил қилини-

шидир. Шу билан бирга, бир неча йўналишдаги ундирувлар айна бугунги кунда долзарб ҳисобланган темир дафтарлар бўйича жамғармаларга тушиши ҳам биз, маҳаллий давлат органлари раҳбарлари масъулиятини янада оширади. Бугунги йиғилишда коммунал тўловларда юзага келган қарздорликларни қисқартириш масаласида ҳам фаолиятимизни жадаллаштириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бу, ўз навбатида, коммунал хизматларни етказиб берувчи, электр энергияси, газ ёки сув таъминоти корхоналари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун махсус

БАЙРОҒИМИЗ – ШАРАФ ВА ҒУРУРИМИЗ!

Таниқли ўзбек бастакори Азиза Содиқова билан суҳбат

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи қабул қилинган кун арафасида “Дунё” ААнинг Берлиндаги муҳбири мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси “Олтин дафтар”га қиритилган таниқли ўзбек бастакори Азиза Содиқова билан суҳбатлашди.

Азиза Содиқова “Young Euro Classic” халқаро танлови лауреати, Германия маданият вазирлигининг “Kunst-Förderpreis” ва Берлин Сенатининг “Europäischer Komponistenpreis” мукофотлари совриндори ҳисобланади.

— Бастакорликка қизиқишингизга нима сабаб бўлган, рағбатлантирувчи куч берган?

— Мен таниқли бастакор, ўзбек операси ва Ўзбекистон бастакорлар уюшмасининг асосчиларидан бири, “Лайли ва Мажнун” операси муаллифи Толибжон Содиқов оиласида туғилганман. Уйимизда тез-тез мусиқий оқшомлар бўлиб турарди. Уларда халқ ва мумтоз мусиқа ижрочилари, шунингдек, чет эллик меҳмонлар қатнашар эди.

Табиики, бундай муҳит келажада шу касбни танлашимга туртки берган. Беш ёшимда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқидим. Кейин Буюк Британияда ўқишни давом эттирдим. У ерда Бирмингем Қироллик консерваториясининг бастакорлик ва орган факультетларида бир вақтнинг ўзида таҳсил олган ягона талаба бўлдим.

— Чет элда ўқиган даврингизда кўпроқ эсда қолган воқеалар ҳақида айтиб берсангиз.

— Ўқиш жараёнида гуруҳимиз билан бутун Европа бўйлаб концертлар қўйганимиз. Париждаги чиқишларимиз, айниқса, хотирамда яхши сақланиб қолган. Нотр-Дам собори, Сент-Эсташ, Сен-Сюльпис, Сент-Клотильда мусиқа ижро этиш имкониятига эга бўлганмиз.

— Нима учун ижодий йўлингизни давом эттириш учун Германияни танладингиз?

— Германияликлар Европа халқлари орасида мусиқага бўлган меҳр-муҳаббати билан алоҳида ажралиб туради. Улар мумтоз оҳанглари ҳам, авангард йўналишлари ҳам, хорижий мусиқачи ва ижодкорларни ҳам қадрлашади. Шунинг учун бўлса керак, бутун дунёдаги рассомлар ва мусиқачилар Берлинга интилади.

Шу сабабли ўқишни тамомлаганимдан сўнг Германияга тақлиф қилишганида рози бўлдим. Бу ерда бастакор сифатида

ижодий фаолиятимни бошладим. Бугун жаҳонга машҳур ансамбллар ва дирижёрлар билан ҳамкорлик қиляпман, мусиқа басталайман. Берлинда 2 мингдан ортиқ бастакор ижод қилади, дунёнинг энг таниқли дирижёрлари, рассомлари ва опера хонандалари шу ерда. Бир сўз билан айтганда, мазкур шаҳар мусиқа ва санъат марказига айланган.

— Режаларингиз ҳақида ҳам гапирсангиз. Айни пайтда қандай асарлар устида ишлаяпсиз?

— Мен “янги мусиқа”нинг ноанъанавий чопғу техникаси, мураккаб тузилиш ва ритмик таркибий қисмларга эга мусиқий театр элементларида тажриба ўтказишдан тортиб, романтик мусиқа усталарининг ўта таъсирчан драматургиясигача бўлган турли жиҳатларини ўрганаёман.

Бугун менинг мусиқий асарларим Лондондаги “Queen Elisabeth Hall” концерт зали, Берлин филармонияси ва Концертхауси, Гамбургдаги “Elbphilharmonie”, Штутгартдаги “Beethovenhalle” сахналарида, “BBC Proms” эфери ҳамда Россия, Литва, Австрия, АҚШ ва Хитойнинг нуфузли мусиқа саройларида муваффақиятли ижро этилмоқда.

Берлин мусиқий гуруҳлари учун оркестр лойиҳалари тайёрлаш бўйича ишлар ҳам катта ҳажмини ташкил қилади. Европада ҳар доим вақт етмайди ва шу боис, партитура тайёрлаш жадвалини аниқ режалаштириш керак.

Энг катта орзуим — Ўзбекистон мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўиш.

Мамлакатимизда юз бераётган янгиланишлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатаман, амалга оширилаётган ислохотлар суръатини ҳис этаман. Уйдан узоқда бўлсам-да, она юртимдаги, айниқса, маданият соҳасидаги янгиланган хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Деярли ҳар кунги турли концертлар, кўргазмалар ва бошқа маданий тадбирлар ҳақида хабар берилади. Давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида Нукусда опера ва бахшчилик санъатидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилиши ҳақидаги янгиллик мени жуда қувонтирди.

Чет элда бўлиб турган кўплаб ўзбекистонлик дўстларим Ватанимизга қайтди. Ўзбекистондаги ислохотлар ортидан мен ҳам она юртга қайтиб, халқимиз манфаатлари йўлида хизмат қилиш ниятидаман. Агар бошқа санъат арбоблари билан ҳамкорликда мамлакатимиз маданий ҳаёти ривожига ҳисса қўша олам, ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Айни пайтда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи асосида биринчи

хорижий аудиокитоб учун саундтрек устида ишлапман. Ушбу лойиҳада Аббос Қосимов, Манзура ва Равшан Намозов каби ўзбек мусиқа санъати вакиллари иштирок этмоқда. Шунингдек, мумтоз санъаткорларимизнинг архивда сақланаётган радиоёзувлари ҳам янграйди.

— 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қабул қилинган кун! Сиз учун байроғимиз нимани англатади?

— Албатта, ҳар бир мамлакат байроғи ўзига хос ва бетакорр маъноларни жамлаган энг муҳим давлат рамзларидан бирidir. Қадим замонлардан буён барча халқлар ва давлатлар Ватан байроғини қадрлаган, уни боши узра мағрур қўтарган. Байроқда халқларни тарбиялаган она заминнинг илдилари, одамларнинг турмуш тарзи ва менталитетига хос ноёб қадриятлар мўжассам бўлган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига назар ташласак, унда, биринчи навбатда, она заминимиз ва халқимизнинг энг муҳим хусусиятлари ва урф-одатлари — дўстлик, тинчликсеварлик ва меҳмондўстлик каби қадриятлар акс этганига ғувоҳ бўламиз. Бу тушунчалар турли даврларда, ҳатто синовли ва қийин кунларда ҳам намоён бўлган ва ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Мен байроқдаги учта ранг унинг ўзига хослигини белгилайди, деб ҳисоблайман. Биринчи галда эътиборни тортадиган оқ ранг ёруғлик, тинчлик ва баркамоллик рамзидир. Яшил ранг табиатнинг баҳорги қайта туғилиши, янгиланиши ва янги ҳаётни англа-тади. Қадимдан ушбу ранг эзгу умидларнинг рамзи сифатида қабул қилинган. Ва ниҳоят, мусавфо осмоннинг зангори ранглари ҳам мамлакатимиз байроғида акс этган. Бу уйғунлик ва қалбнинг юксакликка интилиши рамзидир.

Шунингдек, чексиз тунги осмонда порладиган юлдузлар акс эттирилган. Ярим ой ҳам янглик ва тиниклиkning рамзидир. Ва яна иккита қадрли қизил қизилқар. Уларда икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг рамзларини кўриш мумкин. Улар обихаёт билан она заминимизга ҳаёт бағишлайди. Ушбу қизил қизилқар заминимиз ва ҳаётимизни ёруғлик ҳамда туганмас куч-ғайрат билан озиқлантирадиган манбага ўхшайди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи буюк ўтмишимиз, буғунимиз ва ёрқин келажагимизнинг миллий рамзидир. Мамлакатим байроғи — шарафим ва ғуруримдир!

“Дунё” АА
Берлин

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

олий таълим тизимини такомиллаштиришга боғлиқ

Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори

Сўнгги йилларда таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқувчи ёшларимизнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билимларни эгаллаши, жисмонан ва маънан етук инсонлар бўлиб ўлгайиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Президентимиз томонидан жорий йилнинг 6 ноябрь кунги қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга қаратилган билан аҳамиятлilдир. Ушбу фармон қабул қилинишдан олдин жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Соҳа вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ўқитувчи-педагоглар ўқувларининг фикр ҳамда тақлифларини билдирди.

Ҳозир институтимиз базасида педагогик таълим ХАБини (мувофиқлаштирувчи марказ) ҳамда электрон ўқитиш ва баҳолаш платформасини ташкил этиш борасидаги ишлар амалга оширилмоқда. Самарқанд вилоятидаги 1255 та мактабда фаолият олиб бораётган 5337 нафар хорижий тиллар ўқитувчиларининг малакасини ошириш юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Самарқанд тажрибаси сифатида ўз олдимизга мақсадли режалар қўйганмиз. Яъни, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида муайян соҳалар бўйича ихтисослаштирилган мутахассислар, услубчилар ва педагог-ҳодимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ марказини ташкил этмоқчимиз. Институтимиз базасида хорижий тилларни ўқитиш бўйича ихтисослаштирилган ҳудудий (Самарқанд, Жиззах, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари) тармоқ марказ-

зи ташкил этиш орқали хорижий тиллар бўйича педагогик таълим ХАБи яратилади. Бу орқали эса кўп йиллик илмий-педагогик тажрибага эга олимлар ва ёш ўқитувчилар ўртасида “устоз–шогирд” анъанасини ривожлантириб, илм-фан ва амалиёт интеграцияси замонавий тизимини ёки моделини яратган бўла-миз.

Шу асосда, аввало, тажрибали профессор-ўқитувчилар таркибидан методик-тренирлар ишчи гуруҳини ташкил этиш, муаммо ва камчиликларни ўрганиш, иш қўламадан келиб чиқиб, “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, ҳар бир туман ва шаҳар мактабларидаги малакали ўқитувчилар орасини тренераларни аниқлаш ва уларни ўқитишга аҳамият қаратмоқчимиз.

Президентимиз фармони асосида Самарқанд вилоятининг Нуробод туманидаги 10 та, хусусан, 16-, 17-, 19-, 20-, 21-, 22-, 24-, 25-, 45-, 77-умумтаълим мактабларини оталикқа олиб, ўқитувчиларнинг педагогик салоҳиятини ошириш ҳамда ўқитишнинг янги усулларини жорий этишни асосий вазифа сифатида белгилаб олдик.

Айни пайтда умумтаълим мактабларидаги бошқа фанлар ўқитувчиларига ҳам хорижий тилларни ўргатиш учун институтимизда мuddатли ойллик курслар ташкил этишни режалаштиряпмиз. Ўқитувчилар ушбу курсларда иштирок этиб, хорижий тилларни бошланғич даражада ўрганишлари мумкин. Кези келганда айтиш жоизки, бу курсларга хорижда малака ошириб келган тажрибали тил мутахассисларини, лозим бўлса, хорижлик мутахассисларни ҳам жалб этамиз. Давлат ташкилотлари ходимларида хорижий тилларни ўрганиш иштиёқи бўлса, институтимизнинг рас-

сий веб-сайтига кириб, бир нечта хорижий тилларни бошланғич даражада ўргатувчи видеодарслар платформасидан бепул фойдаланишлари мумкин.

Бизга бириктирилган Нуробод туманидаги 10 та умумтаълим мактабининг ҳолати, камчиликлари ва муаммоларини чуқур ўрганиш мақсадида институтимизда ташкил этилган ишчи гуруҳ яқинда туманга ташриф буюрди. Ўрганиш давомида мактабларнинг моддий-техник базаси эскирганлиги, жумладан, 17-, 45-мактабларда спорт заллари ҳамда спорт инвентарлари мавжуд эмаслиги, баъзи мактаблардаги хорижий тил ўқитувчиларида ўз фанлари бўйича услубий материалларнинг деярли йўқлиги, дарсликларнинг, лотин алифбосидаги бадий адабиётларнинг етишмаслиги маълум бўлди. Шу боис бўлса керак, мактаблар битирувчиларнинг республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириш салмоғи жуда паст.



Институтнинг Moodle масофавий таълим платформасида тиллар (инглиз, немис, француз) кесимида тил билиш даражалари (A1, A2, B1, B2, C1, C2) бўйича онлайн курслар яратилади.



этилган “Фан тўғараклари” фаолиятини самарали ташкил этиш учун малакали чет тили фани ўқитувчилари саралаб олиниб, тренирлик фаолиятига жалб қилинади. Институтимизда олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига мактаб ўқитувчилари ҳам жалб этилади. Умумтаълим мактабларида институт талабаларининг малакавий амалиётлари ташкил қилинади. Институтнинг Moodle масофавий таълим платформасида тиллар (инглиз, немис, француз) кесимида тил билиш даражалари (A1, A2, B1, B2, C1, C2) бўйича онлайн курслар яратилади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган фармонида олий таълим тизимини такомиллаштириш борасида ҳам бир қанча бандлар бор. Жумладан, белгиланган тартибда олий таълим муассасаларига олий маълумотли кадрлар тайёрлаш бўйича академик ва молиявий мустақиллик берилиши ҳамда соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда нодавлат, давлат-хусусий шериклик асосида камида биттадан олий таълим ташкилотини ташкил қилиш ҳам белгилаб берилган.


Шунингдек, соҳадаги асосий ва муҳим жиҳатлардан бири — бу айрим олий таълим муассасаларининг ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтганидир. Шулардан бири бизнинг институтимиз. Мазкур институтлар ўз муаммоларини мустақил бартараф этишга ҳақли. Узини ўзи молиялаштириш тизимининг

яна бир афзаллиги шундаки, келажақда даромадларимизни иқтидорли, кам таъминланган оила фарзандлари бўлган талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ёрдам бериш, рағбатлантиришга сарфлашимиз мумкин.

Пандемия шароитида аҳолининг тўлов қобилияти пасайганлиги ҳисобга олиниб, институтимизда бир қанча имтиёзлар яратилмоқда. Жумладан, талабаларнинг ижтимоий ҳолати факультет ва йўналишлар кесимида институт ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб, моддий ёрдамга эҳтиёжи борларга имтиёзлар берилади.

Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, 2020/2021 ўқув йилида институт томонидан 8 нафар чин етим ва ногиронлиги бўлган талабанинг ҳар бирига 33,5 фоиз, 13 нафар “Темир дафтар”га қиритилган оила фарзандларининг ҳар бирига 26,6 фоиз, 43 нафар етим ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган талабанинг ҳар бирига 21 фоиз, 3 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва жамоат ишларида фаол бўлган талабанинг ҳар бирига эса 53,6 фоиз, жами 67 нафар талабанинг шартнома тўловлари тўлаб берилиди ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, юқори билим эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши борасида қўрилаётган бу чора-тадбирлар энг аввало, ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш ва замонавий олий таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.



МУНАВВАР РАНГИНГДА ВАТАН ЖАМОЛИ



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

Бугун БМТ пештоқида кўп сонли суверен мамлакатлар қаторида озод Ўзбекистон байроғи ҳам бўйима-буй, қадма-қад туриб, ўзини намоен эътипти. Булар ҳақида ўйласам, ҳар гал жаҳид боболаримизнинг орзулари ижобат бўлганидан, тўккан қонлари оқлаганидан, халқимиз тортган азобу ўқубатлар беиз кетмаганидан кўнглим равшан тортиди, кўзларимда севинч ва шўкроналик ёшлари пайдо бўлади.

Бундан ўттиз йил аввал бир алп йигит ёки дилбар қизимизнинг жаҳон майдонида Ўзбекистон байроғи остида спорт мусобақаларида иштирок этишини тасаввур қилиш қийин эди. Истиқлол ато этган давру давронни қарангки, бугун бунинг аксини тасаввур қилиш мушкул. Спортчиларимиз дунёнинг энг нуфузли, энг улкан спорт анжуманларида манаман деган мамлакатлар вакилларидан қолишмаслигини, галаба учун ҳақдор эканини такрор-такрор исбот қиляпти. Бугун

ўғил-қизларимиз орасида минглаб чемпионлар бор. Уларнинг ҳар бир галабаси учун байроғимиз кўкка бўйлаб, мадҳиямиз жаранг сочганини, сочаётганини ва сочажагини ўйласам, томирларим ғурурдан жимирлаб кетади.

Фақат спорт эмас, илм-фан, маданият ва адабиёт, ҳарбий соҳаларда эришяётган ютуқларимиз рамзи бўлиб ҳам байроғимиз сарбаланд кўтарилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, буни амалга ошираётган йигитларимиз, қизларимиз томирида қандай улуг аждодларимиз қони оқаётганини ҳис қилсангиз, ишончингиз янада мустаҳкамланади.

Байроғимиз Ўзбекистон халқининг меҳмондўст, меҳнатсевар, серҳаракат, бағрикенг, очикқўнғил эканидан, энг муҳими, тинчликпарварлигидан дарак бериб туради. Байроққа нисбатан халқимизнинг муқаддас қадрият деб қараши унга ниҳоятда юксак ҳурмат кўрсатиб, эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ҳам таҳсинга сазовор. Шу боис, миллий байроғимиз давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб туради. Шунингдек, турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашяётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ўзбекистон аталмиш чаманзор шаъни, халқ ор-номусини акс эттиради.

Келинг, байроқдаги ранглар ва шакллар мазмунига қисқача тўхталсак. Мовий ранг унинг остида барча миллатлар турли ҳавф-хатарлардан холи, эмин-эркин, аҳил-иноқ яшаб келаётган мусалфоса осмонимиз ҳамда обиҳаёт рамзидир. Оқ ранг давлатимиз фуқароларининг ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирини ҳурмат қилиб, диний бағрикенглик тамойиллари асосида тинч-тотув яшаётганига ишора бўлса, яшил ранг гўзал табиати ҳамда жаннатмонанд давлат эканимиз рамзидир. Бу ранг аслида халқларнинг навқиронлик, умид



ва бахтиёрлиги тимсоли ҳисобланади. Байроқдаги қизил чизиклар эса давлатимиз фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида ўзаро бирлашиб, мардондор меҳнату ғайрат қилаётган юртдошларимиз томирларида оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқларидир.

Тарихда ҳам байроқ билан боғлиқ кўплаб таъсирчан воқеолар бор. Бу ҳақида гап кетганда, кўпинча Шайх Нажмиддин Кубронинг жасорати кўз олдимизга келади. Унинг буюк қаҳрамонлигидан ларзага келамиз. Кубронинг Ватан байроғини маҳкам чангаллаб жон бергани замирида тафаккур ўзанларига сигмас маънолар борлигини илғаб, титраб кетамиз. Ҳалигача бу

воқеалар бизни жасоратга ундайди, қалқитади, қайнатади. Худди шундай манзараларни бошқа тарихий қаҳрамонларимиз ҳаёти ва фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Улар сафида Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалолiddин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби ўнлаб саркардаларимиз қаҳрамонликлари бор. Бугун эса Ватан байроғини ўпиб, қасамёд қилаётган аскарларимиз тимсолида ана ўша ёвқур боболаримиз тажассумини кўргандек бўламиз. Бу йигитларнинг юрт байроғини кўзига суртиб, уни тўтиё қилиши Ватани учун талаб этилса, жонини фидо қилишга тайёр эканини англатади.

Мустақил давлатимиз байроғи тинч ва осойишта, озод ҳамда эркин ҳаётимиз, ёруғ келажгимиз тимсоли бўлиб, ҳамиша баланд-баландларда ҳилпираб турсин. Чунки биз унда заҳматкаш, меҳмондўст, жонажон халқимизни, истиқболи порлоқ янги Ўзбекистонимизни, бир сўз билан айтганда, она Ватани кўрагимиз!

*Дунё майдонида юртим тимсоли,
Мунаввар рангинда Ватан жамоли,
Миллатим гурури, элим қамоли,
Кўзимга кўрк берган, кўксимда тоғим,
Азиз, муқаддасан, менинг байроғим.*

*Мовий, мангу осмон, обиҳаётсан,
Сен тинчлик рангисан, оппоқ баётсан,
Ям-яшил навқирон умид, нажотсан,
Аждодлар қонидан оққан ирмоғим,
Азиз, муқаддасан, менинг байроғим.*

*Ярим ой ҳурлигим, бахтим, дилномам,
Ўн икки юлдузим, қадим йилномам,
Навқирон ёшдаги ёруғ соллонам,
Бошимда балқиган қадрим, қароғим,
Азиз, муқаддасан, менинг байроғим.*

*Сен Кубро кўксидан чиқмаган жонсан,
Сен Темур туғисан, абадий шонсан,
Ўзбегим қўлида улуг имконсан,
Боболардан мерос сабрим, сабоғим,
Азиз, муқаддасан, менинг байроғим.*

*Ўғлону қизларинг шоним деб тутгай,
Қандоқ яшай сени бошимда тутмай,
Нечун қувонмайин, нечун фахр этмай?
Эй ота маконим, она тупроғим,
Азиз, муқаддасан, менинг байроғим.*



БАЙРОҒИМИЗ — ҚУДРАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Ҳасанбой ДЎСТМАТОВ,
бокс бўйича XXXI ёзги Олимпия ўйинлари чемпиони

Аслида юрт байроғини кўзга суртиш, уни тўтиё қилиш Ватанини севиш, унинг учун жонни фидо қилишга тайёр бўлиш, дегандир. Шу боис, Ватан ҳимояси — муқаддас бурч, деймиз. Юрт ўғлони мана шу шарафли бурчни адо этишга отланар экан, энг аввало, байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзига суртади. Содиқликка қасамёд қилади.

2009 йили Қозғистондаги хотира турнирида чемпион бўлганимда байроғимизнинг мағрур ҳилпирашини кўриб, кўзимга ёш келган. Ушанда шу голиб туйғуни яна қайта ҳис қиламан, Ватанимиз доғруғини кўкларга кўтараман, деб ният қилган эдим. Билдимки, эл гурури олдида қилинган ният, орзулар амалга ошар экан.

Рио-де-Жанейрога йўл оқганимизда ҳам ота-онам, яқинларим, устозларим, қишлоқдошларим дуосини олиб, қалбимда шу кутлуг туйғуни қайта сезганман. Худого шукр, юзимиз ёруғ бўлди. Ўзбекистон мадҳияси янграб, байроғимиз мағрур ҳилпиради. Уша онлардаги ҳаяжонимни ҳамон сўз билан таърифлай олмаймам. Байроғимизни кўлимда маҳкам тутиб, атрофга боқар эканман, мендан бошқа одам йўқдек эди, гўё. Тасаввур қиляпсизми, байроқ ва мен.

Байроғимиз олдида ҳаяжонсиз ўтиб кетолмайман. Зўр қудрат сезаман унинг олдида. Ҳар сафар байроғимизни юзимга сурганимда билагимда куч тошади, ўзимга ишонч ҳисси ортиб кетади, шу юртга, азиз юртдошларимизга меҳрим жўшаверади.

Яна бир эътирофни айтишим керак. Байроғимиз дунёдаги энг чиройли туғ. Кўп юртларда бўлди, дўстлар орттирдик. Одатда спортчилар байроқ ҳақида ҳам гаплашади. Ёркин ранглар ва уларнинг маъносини гапириб берганимизда ўйларини уққандек бўламиз. Кўзлари чакнаб кетади. Ҳа, улар Ўзбекистон байроғига ҳавас қилади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонимиз байроғи билан гурур ва ифтихорга тўла манзаралар бизни фидойиликка, ватанпарварликка, янги марраларга қорлайди. Мағрур ҳилпираётган байроғимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, кут-барака, биз эришяётган бе-мисл ютуқлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди.



Феруза МУҲИДДИНОВА,
юримдик фанлар доктори, профессор

Бугун миллий давлатчилигимизнинг ана шундай муҳим рамзларидан бири — Давлат байроғи тўғрисида қонун қабул қилинганига 29 йил бўлди. Яъни, 1991 йилнинг 18 нояб-ри “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинган сана сифатида тарихимизга муҳрланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўрнатиш, унинг мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда яшайдиган бошқа шахслар томонидан ҳурмат қилиниши қонун билан муҳофаза қилинади. Шу боис, давлат рамзлари қонунда белгилаб қўйилган вақтда ва жойда ўрнатилиши, кўтарилиши, ижро этилиши ва бу жараёнга хос жиҳатларни эътиборга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

ТИНЧЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

2010 йил 24 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида”ги айрим қонун ҳужжатларига ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан қонунчилигимизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси тўртинчи қисмидаги “Янги ой ва юлдузларнинг” деган сўзлар “Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг” деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу байроғимиз тасвири ҳақидаги тасаввурни янада аниқлаштирди. Маълумки, ҳилол — қўлга киритилган мустақиллигимизни, ўн икки юлдуз эса муқаддас Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳамиша қамилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради. Бу жараён бевоисита ва билвоисита оқ ранг тимсолидаги тинчлик ва покликка дахлдордир. Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш эса халқимизнинг асрий қарашлари ва ҳаёт фалсафасига асослангани билан аҳамиятли.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунга янги 51 ва 52-моддалар ҳам киритилиб, давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди. Янги 51-моддага кўра, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемалари, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автотранспорт воситалари ва улар тиркомаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида предметида, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат муқофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин. Киритилган 52-моддага биноан байроғимиз элементлари нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизицтлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ундан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлиши тақиқланади.

Қонунчиликдаги бундай ўзгаришлар давлатимиз рамзлари элементларидан хусусий манфаат йўлида фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Асосийси, тарихий



“Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонунга янги 51 ва 52-моддалар ҳам киритилиб, давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди.

ва боқий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажиги тимсоли бўлган давлатимиз рамзлари, жумладан, давлат байроғига нисбатан ҳурматни қонун жиҳатидан мустаҳкамлайди.


Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига юланиши “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилди. Мазкур қонунларнинг 12 ва 7-моддаларида “Ушбу Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари, ташкилотлардан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари, томонидан амалга оширилади”, деб кўрсатилганлиги улар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда рамзлардан фойдаланишда эътиборсизлик ва қамчиликларга йўл қўйган раҳбар ҳодимлар учун алоҳида жавобгарлик

белгиланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс “Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш”, деб номланган янги 2031-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансбдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансбдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Зеро, давлат рамзлари — миллий суверенитетни, халқимизнинг мустақил, ўз тараққиёт йўлига эгалигини билдирадиган муқаддас тимсоллар саналади. Уларни ҳаётимизнинг муҳим бир бўлаги деб билиш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.



18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун



“Ёшларимиз бизнес, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва спорт соҳаларида оламшумул муваффақиятларга эришмоқда. Бу мамлакатимиз истиқболига, буюк аждодларимиз бошлаган эзгу ишларни келажак авлодлар муносиб давом эттиришига катта ишонч бағишлайди”.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ 72 БОР КЎТАРГАН ЁШЛАР



Ханим Йўлдошев олган суратлар.

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири**

2020 йил 12 август. Японияда бўлиб ўтган 31-халқаро биология олимпиадасининг якуний натижалари эълон қилиниш арафасида. Пандемия сабаб онлайн тарзда ўтказилган танлов якунларини катта экранлар қаршисида ҳаяжон билан кутаётган 52 та давлатнинг 200 нафар иштирокчиси орасида юртимиз вакиллари ҳам бор.

Узоқ кутишлардан сўнг нихоят натижалар эълон қилинди. Минбардан жарангдор овозда 1-ўрин ғолиби — ўзбекистонлик Саида Валижоновна исми янгради. Бу кун мамлакатимиз терма жамоаси ўз тарихида илк бор мазкур нуфузли халқаро олимпиадада олтин медални қўлга киритган сана сифатида мухрланди.

Ана шундай лаҳзаларда қалбни қувонтирадиган фахр, ғурур туйғуларини Ўзбекистон деган юртнинг рамзий тимсоли бўлган байроқ билан бирга баландларга кўтарилиб, мамлакатимиз ёшларининг барча соҳалар қатори фан ва таълимда ҳеч қимдан кам эмаслигини намоён этаётгандек бўлади.

Шунданми, олимпиада финалида юртимиз номи янграши ҳамон залда ўтирганларнинг бари ҳаяжондан қалқиб кетди. Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Саида Валижоновнага қўшилиб, бутун жамоа қувончдан ҳайқариб юборди. Ўзоқ кутилган ғалабанинг ҳақиқат эканига ишонолмай, ҳатто қўзига ёш олган устозлар дарҳол сергак тортиб, бир-бирларини кутлай бошладди.

— Олимпиада давомида зиммамда менга билдирилган ишончни оқшаддек катта масъулият турган бўлса, натижаларни куттиш жараёнида барча хис-туйғуларим ўрнини кучли ҳаяжон эгаллади, — дейди Саида. — Ғалабага ишончм камроқ бўлса-да, олимпиадада Ўзбекистон номини муносиб ҳимоя қилиш истагим юқори эди. Ана шу мақсадимга эришганимдан бахтиёрман. Аслида Тошкент педиатрия тиббиёт институтини академик лицейига бу ерда тахсил олиб, фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўқувчиларга ҳавас қилиб келганман. Биология фанидан илк сабоқларни устозим Мукамбар Мухаммедовдан олдим. Миллий терма жамоа сафига қўшилганимдан кейин сабоқларни директоримиз Ортиқбой Эшонқулов устозлигида давом эттириб, олимпиадага жиддий тайёрлана бошладим. Бугун эришган ғалабам ортида ана шу муаллимларимнинг катта меҳнати, менга билдирган ишончи ётибди. Келгусида табиий фанларни янада чуқур ўрганиб, таълимнинг кейинги босқичини тиббиёт соҳасида давом эттириш, ген муҳандислиги бўйича илмий иш қилиш мақсадидам.

Беллашувда Саидадан ташқари, Бухоро давлат университетининг Қорақўл академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Равшанбек Каримов ҳамда Жиззах давлат педагогика институтини академик лицейи 2-босқич ўқувчиси Сардор Тожибоев ҳам совриндорга айланиб, ҳар иккаласи қумуш медалга соҳиби бўлди. Халқаро олимпиадада муносиб иштирок этиб, уларни доим қўллаб-қувватлаган яқинлари ҳамда марра томон етаклаб келган фидойи устозлари ишончини оқлаган ёшлар ўз билим ва салоҳияти билан Ватанимиз байроғини яна бир қарра жаҳон узра баланд кўтарди.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейи ўқувчилари ҳаяжонга тўла бундай лаҳзаларни ўнлаб маротаба бошидан кечирган. Улар 2008 йилдан буён Россия, АҚШ, Туркия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларусь, Эрон, Словакия, Чехия, Венгрия, Франция каби қўллаб-даватларда кимё ва биология фанларидан ўтказилган жаҳон ва халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, катта натижаларга эришиб келмоқда. Лицей ўқувчилари кимё ва биология фанларидан республикамиз таълим тизими тарихида биринчи бўлиб олтин медални қўлга киритган. Шу вақтга қадар академик лицей ўқувчилари халқаро фан олимпиадаларидаги ғалабалари билан давлатимиз байроғини 72 бор баланд кўтаришга муваффақ бўлди. Қўлга киритилган муваффақиятлар 11 та олтин, 20 та қумуш, 41 та бронза медалда акс этиб турибди. Медалларнинг 35 таси охириги 3 йилда — мамлакатимизда илм-фан соҳасини ривожлантиришга эътибор ортган вақтда қўлга киритилгани, айниқса, аҳамиятлидир.

Жаҳонда ягона лицей

Юзлаб мамлакатлар орасида ғолиб бўлиб, Ватан байроғини кўтариш ҳар бир инсонга ўзгача ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ана шундай ёшларни тарбиялаб, мамлакатимизда иқтидорли ўғил-қизлар сафни кенгайтиришга ҳисса қўлиши эса икки қарра шарафли йўлдор. Тошкент педиатрия тиббиёт институтини академик лицейи директори, биология фанлари доктори, профессор Ортиқбой Эшонқулов узоқ йиллик меҳнат фаолиятини ёшларга таълим-тарбия бериш билан бирга, мактаб-лицейлар ўқувчиларини халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаб, илм-фан соҳасида юртимиз номини жаҳонга танитишга бағишлаб келмоқда. Унинг ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари билан 1997 йилда очилган академик лицейда ўқувчиларга табиий фанлардан чуқурлаштирилган билимлар берилади.

— Қайси соҳада бўлишдан қатъи назар, ўз маҳорати билан дунёни лол қолдираётган ёшлар юртимиз фахридир, — дейди Ортиқбой Эшонқулов. — Бир вақтлар жаҳон ареналарида катта ғалабалар кучиб, мамлакатимизга қайтган спортчиларимизга алоҳида эътибор қаратилиб, ийрик мукофотлар билан тақдирланган бўлса, бугун барча соҳалар, хусусан, илм-фанда қатор ютуқларга эришиб, фан олимпиадаларида ғолиб бўлаётган ўғил-қизлар давлатимиз томонидан муносиб тақдирланаётганини қувонч билан қўллаймиз. Президентимизнинг 2019 йил 3 мартдаги “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуқсиз тизимини ташкил этиш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан Халқаро биология олимпиадаси ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланди. Бундай ўқувчиларнинг давлат ОТМларига тест синовисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилиниши ҳам улар учун берилган катта рағбат, десак муболаға бўлмайди.

Бугун ана шу эътибор, рағбат ўз мевасини бермоқда. Мамлакатимиз ёшлари барча соҳаларда етакчи ўринларни эгаллаш, ватанга муносиб фарзанд бўлишга интиломоқда. Бу интилиш уларнинг илм ва бошқа қўллаб-даватларга эришаётган ютуқларида намоён бўляпти.

Айни пайтда лицейда тахсил олаётган 400 га яқин ўқувчининг аксарияти билимнинг ортидан қувиб, устозларининг эътигадига ҳамма тугган ёшлардан. Уларнинг кўпчилиги таълимни давом эттириб, бирор соҳанинг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган. Буни ўтган йили лицейни тамомлаган 465 ўқувчининг 441 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинганидан ҳам қўриш мумкин.

Ўқувчиларининг муваффақиятларини кўрган инсонлар Ортиқбой акадан бунинг сирини сўрайди. У эса камтарлик билан: “Ҳамма гал ўқитувчилар жамоасининг яхши ташкил қилинганида. Уларнинг кўпчилиги дарс бериш билан бирга, илм билан шугулланади. Кимё факультетида 10 нафар ўқитувчи бўлса, ҳаммаси фан номзоди, фан доктори. Биология факультетида эса бу кўрсаткич 70 фоиз”, деб жавоб беради. Ҳақиқатан, табиий фанлар йўналишида лицей ўқитувчиларининг ўзига хос мактаби, таърибаси шаклланиб, улар ўз ўқувчиларидан ташқари, республикадаги бошқа мактаб-лицейларда тахсил оладиган ўғил-қизларни ҳам фан олимпиадаларига тайёрлайди. Ортиқбой аканинг ўзи ҳам кимё фанидан Ўзбекистон терма жамоаси раҳбари бўлиш баробарида кимё фани бўйича олимпиадада халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзосидир. Терма жамоа аъзоларига тайёрлов жараёнларида устозлик қилади.

— Халқаро олимпиадаларда иштирок этиш осон эмас, — дейди Ортиқбой Эшонқулов. — Йигит-қизлар бир неча босқичдан иборат саралаш имтиҳонларидан ўтгач, олимпиада учун яна алоҳида танлаб олинади. Боиси, бундай йирик танловларда нихоятда билимли болалар иштирок этади ва биз ёшларимизни шунга тайёрлашимиз керак. Масалан, Халқаро Менделеев олимпиадаси назарий ва лаборатория босқичидан иборат бўлиб, биринчи кун 75 бет саволни ўз ичига олувчи 8 та масала берилади. Иштирокчи беришган масалани 5 соатда бажариб бўлиши керак. Мусобақанинг иккинчи кун 75 ўқувчилар 15 та масала ичидан 5 тасини танлаб олиб, унга жавоб ёзади. Учунчи кун эса лаборатория шароитида беришган топшириқни ба-

жариш талаб этилади. Қувонарли жиҳати, бизнинг ўқувчиларимиз мана шу масалаларни еча оляпти. Авваллари, фан олимпиадаларида Хитой, Япония, Россия ва бошқа қатор давлатлар вакиллари кўпроқ ғолибликка эришган бўлса, бугунги кунда улар орасида ҳар гал Ўзбекистоннинг ҳам номи янграётгани жуда катта ҳодиса.

Кўпчилик учун одатий ҳолдек туюлган бу ғалабалар ортида катта меҳнат, сабр ва машаққат ётибди. Ўқувчилари 2013 йилда Россияда бўлиб ўтган 45-жаҳон кимё олимпиадасида биринчи бор олтин медални қўлга киритган

нида беихтиёр кўзларига ёш олган Ортиқбой ака бугун шоғирдларининг ҳар бири билан фахрланади. Уларнинг қувончларига ҳам, қийинчиликларига ҳам тенг шерик бўлиб, доим қўллаб-қувватлайди. Ҳатто ўзининг илмий салоҳияти, билими билан юртимиз байроғини жаҳон майдонида баланд кўтарган, медал билан бирга, Ўзбекистон номини кўксига оingan ёшларнинг муваффақиятларини катта альбомга муҳрлаб келмоқда. Ўтган йили Францияда бўлиб ўтган 51-халқаро кимё олимпиадасида бу альбомни кўрган ҳакамлар ҳайъати раиси ўринбосарлари Ортиқбой аканинг ёнига келиб, ўқувчилари эришаётган ютуқлар билан шахсан кутлагани ҳамон ёдидан чиқмайди. Улардан бири Док ван Лининг: “Бу лицей нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ягона. Неча йиллардан бери олимпиадада ҳайрат аъзоси бўлиб, ҳатто бир бор бўлса-да олтин медал олмаган давлатларни кўрдик. Сизлар бўлса, ўн йилдан бери қатнашиб, ҳар гал олтин медал билан қайтасизлар”, деган эътирофи унинг қалбини тоғдек кўтариб, кўксини фахрга тўлдирганди. Ўқувчилари ана шундай танловларда ватан шарафини ҳимоя қилиб, юртимизга бошони баланд кўтариб қайтишида ўз билим, куч ва меҳнатини аямасдан Ортиқбой Эшонқулов 2008 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Бу йил эса шарафли қабз эгаси “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси” деган юксак унвон билан тақдирланди.

— Авваллари халқаро фан олимпиадаларида 4 ўқувчим иштирок этса, шундан 1 ёки 2 нафари совриндорлар сафидан жой оларди. Бу борада фаол давлатлар таърибасини ўрганганимда, улар болаларни биз каби олимпиададан бир йил олдин эмас, балки мактаб давридаёқ тайёрлай бошлашга гувоҳ бўлибди ва бу таърибани ўзимизда ҳам қўллаб бошладим, — дейди Ортиқбой ака. — Мактаб даврида шу фанларга қизиққан бола, албатта, юқори натижаларни қайд этади. Бундан ташқари, ўқувчилар математика, чет тилларни ҳам билиши лозим. Халқаро мусобақаларда масалалар ўзбек тилига таржима қилинса-да, барибир ўзидек чиқмайди. Тилни биладиган бола эса уларни тезроқ тушуниш олади.

Ортиқбой ака болаларга билим беришда лицей дастурлари билан чекланиб қолмайди. Ҳар йили Россия, Хитой, Япония ва бошқа давлатлардан кимё ҳамда биология фанларининг етук олимлари, мутахассисларини тақлиф этиб, ўқувчилар учун бир неча кунлик семинар, маҳорат дарслари ташкил этади. У ўзининг бу таърибасини бошқа мамлакатлар элчиларига айтганида, улар ҳам бу таърибани қўллаб бошлаганига кўп бор гувоҳ бўлган. Педагог лицей хузурида худди Бухоро Қорақўл мактабидаги сингари меҳмонхоналар қурилишини орзу қилади. Шунда хорижий мутахассисларни тез-тез, кўпроқ муддатта тақлиф қилишнинг имкони бўларди.

Жорий йилнинг 1 октябры санасида Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан Президентимиз бошчилигида ўтган байрам тадбирларида лицей ўқитувчиси Лазиз Зайлобов сўзга чиқиб, мазкур таълим даргоҳини янада ривожлантириш, табиий фанларга қизиқувчи ёшларга кенгроқ билим бериш бўйича ўз тақлифларини билдирган эди. У минбардан туриб, “Агар замонавий лабораториямиз бўлганида, бронза медаллар қумушга, қумуш медаллар олтинга айланиши мумкин эди”, деганида, давлатимиз раҳбари Тошкент педиатрия тиббиёт институтини академик лицейида жаҳон талабларига мос лаборатория қуриш бўйича алоҳида топширик берганди.

Юртимизда илм-фан соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган бугунги кунда билимли, ҳар томонлама илгор, жаҳон майдонида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган ёшларни тайёрлашга ҳисса қўшаётган ана шундай таълим муассасалари таърибасини ўрганиш ҳар қачонгидан-да муҳим. Бу ерда тахсил олаётган иқтидорли, ўзининг юксак билим ва салоҳияти билан давлатимиз рамзи бўлган байроғимизни дунё узра баланд кўтараятган ёшлар билан ҳар қанча фахрланас кам.

ҚАЛБИМИЗДА ЭЛ ШАРАФИ, КЎКСИМИЗДА ЮРТ ҒУРУРИ

**Зиёда АКБАРҚУЛОВА,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази етакчи мутахассиси**



Ўзбекистон мустақилликка эришганида ҳали бола эдик. Ота-боболаримизнинг “Энди мустақилмиз, ўз байроғимиз бор!” деган гапларини эшитиб, бола шууримда ажиб бир улғайиш сезганимни ҳозир ҳам яхши эслайман. Ушанда илк бор Ватанимиз байроғини телевизорда кўрганман. Катталар йиғлаб юборган эди. Шу-шу мовий, оқ, яшил ранглар, қизил хошия, янги ой ва юлдузлар халқимиз ғурури, келажакка ишончининг ёрқин ифодаси сифатида муҳрланиб қолди.

Спортчимиз ғолиб бўлса, байроғимиз кўтарилади, мадҳиямиз янграйди. Бу — у тугилган, уни камолга етказган, музаффар қилиб тарбиялаган юрт шарафига тасанно рамзи. Дунёнинг турли нуқталарида, нуфузли халқаро ташкилотлар пештоқида ҳам байроғимиз ҳилпирамоқда. Бу Ўзбекистоннинг дунёга ўз айтар сўзи борлигидан далолат. Иш столимизда ҳам байроғимиз туради. Бу ҳар бир ҳаракатимиз халқ манфаатларини кўзлаштини, мақсад-муддаоларимиз эзгулигини, аждодларимизга муносиб авлод сифатида янги Уйғониш даврини бошлаб беришимиз зарурлигини аниқлатади.

Тадбиркор қўшни аёл уйга меҳмонга қақирди. Меҳмонхонадаги идриш жавонида турган турли шаклли байроқларимизга кўзим тушиб, ҳайратимни яширмадим.

— Бу — бизнинг миллий фахримиз, — деди қўшним. — Шу байроқсиз яшаган йилларимиз нимага эришдик? Бугун-чи?! Ҳамма учун имконият бор. Мақсад, интилиш ва ҳаракат бўлса бас. Энг муҳими, ҳар биримизнинг қалбимизда Ватан яшаши керак, унга ҳадсиз муҳаббат бўлиш шарт. Бошқача яшаб бўлмайди. Сизу биз алоҳида яшай олмаимиз. Демак, бу байроқлар шу ерда туради.

Уйга қайтар эканман, шоир Эшқобил Шукурнинг иқтибоси ёдга тушди: “Мен” билан “Биз”нинг орасида яхшигина фарқ бор, ҳатто тафовут ҳам бор. Лекин “Биз” йўқ жойда “Мен” ҳимоясиз қолади. Миллий туйғулар шу икки кўтбни бирлаштиради”.

Ҳа, шундай. Байроғимиз бизни доим эзгу мақсадлар сари чорлаб туради, жипслаштиради. Бугун юртимиз бўйлаб кўр олган ислохотлар, яхши қунларимизнинг асоси ҳам Ўзбекистон байроғи.

Яқинда Тошкент шаҳрида байроғимиз шарафига веломафрон бўлиб ўтди. Унда юзлаб юртдошларимиз, ёшу қари иштирок этди. Ҳар бирининг велосипедида байроғимиз ҳилпираб турди, кўксига байроқ тасвири бўлди. Бу қанчалик фахр. “Нега биз хабарсиз қолдик. Биз ҳам қатнашган бўлардик”, деган одамлар ҳам кўп бўлди. Фуқароларимизда ватанпарварлик туйғуси жўш урмоқда.

Бу бугунги ислохотлар, халққа яқинлашиш, уларнинг дардини эшитиш, муаммоларига ечим топишдек саъй-ҳаракатлар самарасидир. Инсон қачон ватанпарвар бўлади? Қачонки, ортида ишончли, халқпарвар сиёсат турганини билса, қачонки, яхши яшай бошласа, қачонки, ёлғиз эмаслигини ҳис қилса. Аллоҳга шукр, бугун шу қунларга етиб келдик. Бу қалбимизда хотиржамлик уйғотган.

Ҳар сафар байроғимизни кўрганимда, донишманд халқимизнинг “Туккан ерда тугинг тик”, деган мақоли ёдимга тушади. Қадрдон дала-лар, тоғу дарёлар, боғлар, сўлим гўшалар шуқуҳи қалбни ҳафтиқтиради. Ҳаммани яхши кўриб кетасиз. Шу кутлуғ замин — Ўзбекистон фарзанди эканимиздан фахрланамиз, шукрона айтамыз.

КУЧ-ҚУДРАТ МАНБАИ

**Ёрқинбек ОЛИМОВ,
Миллий гвардия тасарруфидagi
“Мутурбеклар мактаби” ҳарбий-академик
лицейи ўқувчиси**

Буюк Соҳибқирон Амир Темури бобомиз ўз ғалабаси тимсоли — байроқни даст қўтарди. Байроқ юксакларда ҳилпиради. Унинг атрофида буюк эл бирлашди. Бу салтанатни дунё тан олди.

Орадан кечган йиллар суронини енгиб, бугун жонажон байроғимиз қанотида ўзбек деган миллат, Ўзбекистон деган давлат жам бўлди. Бу байроқ дунёнинг не-не саҳнларида ўзининг бор бўй-баста билан намоён бўлмоқда, кўнглимизни гурурга тўлдирмоқда.

Бухоро шаҳрида ўқиб юрган кезларимизда кўл жанги билан шугулланишни бошладим. Мусобақаларда қатнашар эканман, дастлаб байроғимизга таъзим қилиб, қўлимизни кўксимизга қўйиб айтган мадҳиямиздан қувват олар эдим. Мусобақа жараёни ёки ғалаба эмас, кўз олдимда мен учун юксакда ҳилпираётган ватанимиз байроғи туради. Бу эса ғалабага эришимиз учун куч беради.

2017 йили Наманган вилоятида ўтказилган Ўзбекистон кубогини мусобақасида кўл жанги бўйича фахрли 1-ўринни қўлга киритдим. Болалар ва ўсмирлар ўртасида Тожикистонда бўлиб ўтган халқаро мусобақада эса 3-ўринга сазовор бўлдим. Шохсупада турганимда “Ўзбекистон” деган шарафли сўз ва байроғимиз кўтарилиганида жуда гуруранддим. Бунинг нақадар фахр ва ифтихор эканини сўз билан таърифлаш қийин. Келажакда юртимиз байроғини жаҳон минбарларида янада баланд кўтаришга аҳд қилганмиз.



Қатагон қурбонларини ёд этиб

Дилором АЛИМОВА,
тарих фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги парламентга Мурожаатномасида: “Халқимиз тарихининг мураккаб дамида маърифат машъалини баланд кўтариб чиққан улугъ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланади. Умуман, биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойлиқни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади”, деб фикр билдирди.

МИЛЛАТ ЭҲТИЁЖИГА БАХШИДА УМР

“Биз ўз қисматимизни биламиз...”

Агар бизнинг ҳаётимиз ҳуррият ва халқнинг бахт-саодати учун қурбонлик сифатида керак бўлса, биз ўлимни ҳам хурсандчилик билан кутиб оламиз...

Мумкин қадар кўпроқ яхши мактаблар очиш, шунингдек, маориф ва халқ саодатини таъминлаш соҳасида тинмай ишлаш бизга энг яхши ҳайкал бўлади”.

(Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қатл олдидан ёзган васиятномасидан)

Дарҳақиқат, XX аср бошлари улугъ маърифатпарварларимизнинг миллат ва Ватан равнақиға хизмат қилган назарий фикрларини ўрганиш, уларни ёшлар онгу шуурига етказиш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бу ўринда ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маданий тафаккурининг шаклланишига улкан ҳисса қўшган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг бебаҳо илмий меросини таҳлил этиш гоят муҳим. Унинг асарларида кўтарилган ҳар бир масала ва ечилиши лозим бўлган муаммолар бугунги кунда ҳам долзарб. Зеро, мутафаккирнинг қарашларида миллат маърифати ва тараққиёти гоёси доимо устуворлик касб этди. У миллийлиқни сақлаб қолган ҳолда, халқнинг турмуш тарзини, мактаб ва маърифатини замонавийлаштириш жамият тараққиётининг муҳим белгиси, деб ҳисоблар эди.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг катта орзуси туркистонликларни таназзулдан қичариш, илгор халқлар қатори жаҳон маданияти тизимидан жой олиш, миллий маданиятини дунё оммасига танитишдан иборат бўлган.

XX аср бошларида вуқудға келган миллий матбуот саҳифалари Маҳмудхўжа Бехбудийнинг маърифатпарварлик, тараққиқпарварлик,息лохотлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этувчи минбарға айланди. Унинг асарларининг асосий гоёси “миллатнинг юзи бу — илм ва хунаридир” таъминда эди.

Мутафаккир маориф тизими息лохотини умуммиллат миқёсидаги муаммо сифатида кўтариб чиқди. Чунки замонавий ижтимоий тафаккурға эға ёш авлодни шакллантиришда янги мактабларнинг аҳамияти бекиёс эди. Бу вақтда у ўз маблагига янги усули жадид мактабини очади ва унда ишлаш учун Раҳаб Амин кишлогидан Абдуқодир Шакурини ўзининг уйига қўчириб келтирди.

Бехбудий оиласи нияҳтада маърифатли эди. Унинг икки синглиси ҳам яхши таълим олган. Улар Куръон ва ҳадислар билан таниш бўлган. Невараси Надим Бехбудийнинг гувоҳлик беришича, уларнинг келиб қишии машхур Аҳмад Яссавийға бориб тақалади.

Бехбудий аждодлари Хоразмдан Самарқандға қўчиб келиб, гузар тузади ва уни Гузари Маҳдуми Хоразм (Хоразмлик жаноб гузари) деб атади, деган маълумот ҳам бор. Отасининг буваси Самарқандда Қори Ниёзхўжа Урганжи номи билан машхур бўлиб келган. Надим Бехбудийнинг таъкидлашича, Бехбудийнинг хотини шайх Қутби Чордах уругидан бўлиб, улар Амир Темур ҳукмронлиги давриға қадар Самарқанд яқинидаги Матруд деган ерда хизмат қилган.

15 ёшдан Маҳмудхўжа араб тили грамматикаси, математика, ҳуқуқшунослик асослари, мантӣқ ва тилшунослик, яъни ўша пайтда мавжуд бўлган дунёвий фанларнинг барчасини ўрганишға киришди.

Бехбудийнинг ўзи Самарқанд мадрасасида ва Бухорода ўқиганини айтган эди. Шундай қилиб, Бехбудий ёшлигидан диний ва дунёвий таълим олди. Бунга, шубҳасиз, оилада ҳукм сурган қосим маданият ва илм-маърифат муҳити ижобий таъсир қилди. Бехбудий оилада олган билимини ривожлантириб, юксак маърифий даражаға тинимсиз изланиш, қаттиқ меҳнат қилиш эвасизға эришди.

Ҳаж сафарлари ва маърифат

1893 йили Бехбудийнинг отаси вафот этади ва 18 ёшли Маҳмудхўжа мустақил ҳаётға

қадам қўйиб, қозихонаға мирза бўлиб ишға кирази. Фикҳ фанининг турли соҳаларидан имтиҳон топишрган Бехбудий муфтий унвонини олади. 1899 йили 25 ёшли Бехбудий биринчи марта ҳаж сафарига чиқади. Исрол дунёсида муқаддас зиёратгоҳ саналган Маккаю Мадинаға қилган сафари унинг дунёқарашни кенгайишға чуқур таъсир этди. Саёҳат чоғида у Россия шаҳарлари, Крим, Эрон, Туркия, Миср мамлакатларида бўлди. Сафар жараёнида поездда, кемада, отда ва пиеда юриб дунёни кўрди, бошқа ердаги ҳаёт билан Туркистондаги яшаш тарзини таққослаш имконига эға бўлди. Бундан ташқари, савдо ишлари, зарур ва муҳим битим ва муносабатлар тузиш, ҳам диний, ҳам дунёвий алоқалар ўрнатиш, фикр алмашиш, зарур китоблар, газета ва журналлар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар сотиб олиш... Буларнинг бари ватаниға қайтган Бехбудийға маърифат ва зиё тарқатишдек савобли ва улугъ ишлар учун асқатди.

Ҳаж сафаридан уч йил ўтгач, 1903-1904 йилларда Маҳмудхўжа Петербург, Москва, Қозон, Оренбург, Кримда бўлди. Маориф соҳасида Россия, айниқса, Крим жадидлари таърибаси, Исмоил Гаспринский билан яқиндан танишув Бехбудийнинг бутун саъй-ҳаракатини жамиятнинг қайта қуриш режаларини амалға оширишға қаратишға туртки бўлди. 1914 йилға қадар бу борада у анчагина таъриба орттирди. Янги усул мактаблари очилгани, жадид газеталари наشري, дарсликлар яратилгани, Туркистондаги ақл-заковатли кучларнинг унинг гоёси атрофида уюша бошлаш, маданият ва адабиётда янги тамоиллар, илгор йўналиш ва оқимнинг пайдо бўлгани Бехбудийнинг янада шижоат билан фаолият юритишға даъват этар эди.

Бу шижоат уни навбатдаги чет эл сафарига ундайди. Туркия ва Миср ҳамда араб дунёсининг турли мамлакатларига узоқ — саккиз ойлик сафарға отланади. Бу ҳам ҳаж сафари, ҳам улугъ мутафаккирнинг оламни билишдек буюк мақсад сари интилиши эди. Узоқ ва сермашаққат йул давомида Бехбудий улкан ва кенг қўламли ишларни амалға оширди. Ўзи сайр этган барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, географияси, тарихи, ижтимоий-сиёсий аҳволини ўрганади ва булар ҳақида “Ойина” журналининг 15-сонида “Саёҳат хотиралари” номи остида кундалик ёзувларини эълон қилади.

Шак-шубҳасиз, Бехбудий нафақат саёҳат қилади, балки шу мамлакатлар халқларининг бой илмий ва ижодий меросини ўрганади. Бу қайи саёҳатлар Бехбудий билимининг бойиши ва инсонпарварона фалсафасининг, илгор дунёқарашнинг ривожига жуда улкан ҳисса қўшди. Бехбудийнинг теран фикри ва соғлом ақл-заковати уни она Туркистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётига эришув йўлидаги орзуси ва гоёларини амалға оширишға ундади. Шу билан бирға, у муқаддас Каъбани зиёрат этиб, руҳан енгил тортади, инсон заковатига тасанно айтиб, ҳамду санолар ўқийди.

У томонидан нашр этилган “Саёҳат хотиралари” “Ойина” журналининг ўзи сингари Урта Осиё буржуазия вакиллари ва сармоядорлариға дунёни Париждан Японияға қадар акс эттирувчи ойна бўлибгина қолмай, балки Туркистон учун мусулмон Шарқини, ислом дунёсини кашф этди, унинг цивилизациясини кўрсата олди, десак муболага бўлмас.

Бош муҳаррир: Салим Дониёр

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Маҳмудхўжа Бехбудий падари бузруквори номи берилган “нашриёти Бехбудия” хусусий нашриёти эгаси, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган, Тошкент, Андижон шаҳарларидаги китоб дўконларининг хўжайини, “Ойина” журнали муҳаррири сифатида машхур инсон эди. Хусусан, “Бехбудия” кутубхонаси Самарқанднинг руслар истикомат қиладиган қисмида очилганди. Бу шунчаки кутубхона эмас, балки дўкон ҳам бўлган. Бу масканға келувчилар Истанбул, Миср, Байрут, Қозон, Боғчасарой, Оренбург, Эрон, Ироқ, Ҳиндистон, Афғонистон, Петербург ва, албатта, Туркистонда чоп этилган китобларни қўриб, сотиб олишлари мумкин эди. Замондошининг гувоҳлик беришича, бу Бехбудий вафотидан сўнг Туркистондаги энг йирик кутубхоналардан бўлиб қолди.

Ватан қайғусида: Бехбудий ва сиёсий жараёнлар

Вақт ўтиши билан содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни тадиққ этган Бехбудийнинг сиёсатшунослик ва маданиятшуносликка оид асарлари ҳам тарихий аҳамиятға молик бўла борди. Бу ерда Туркистонда миллий давлат қурилиши муаммолари муҳим ўрин эгаллайди. Туркистоннинг сиёсий аҳволиға ва тузилишиға Бехбудий қандай муносабатда бўлган? У ўз халқи тараққиётини нафақат маърифатда, балки унинг сиёсий макомининг кескин ўзгаришида, ўз мустақиллигини қўлға киритишда, деб билади. Қўллаб мақолалари ва сиёсий-ижтимоий фаолиятида у Россия империяси ва вақтлик ҳукуматнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилади, мавжуд тузум қонунларини танқид остиға олади.

Бехбудийнинг имони комилки, “Ҳақ олинур, берилмас!” — У мақоласиға шундай сарлавҳа қўяди, “Баёни ҳақиқат” мақоласида ҳам юқоридаги сўзларни таъкидлайди.

“Тарихдан яхши маълумки, — деб ёзади Бехбудий. — Ҳақ олинур, берилмайду. Ҳар миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифок ила бошқалардан олади... Биз, мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаимизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизға зулм таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларға таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ”.

Бехбудий кўпчилик жадидлар сингари мустамлакачиликка қарши қонсиз кураш тарафдори бўлиб, ҳар қандай инқилобға қарши эди. У доимо диққат билан дума ишмини кузатар, парламент кураши орқали кўп нарсалар эришса бўлади, деб ҳисобларди. У мухториятнинг ашаддий тарафдори бўлишиға қарамай, тараққиётта эришилшинг тадрижий аста-секинлик билан амалға ошуви ҳуқуқларини ёқлаб чиққан эди.

“Агарда биз, Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни... иттифок этиб, бугундан息лохотта, иттифокқа қадам қўйсалар... зиёли ва тараққиқпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб, дин ва миллат, ватан ривоби учун хизмат этсак... Ўзимиздан бора-бора тадрижий сўраётда аскарларимиз бўлисин. Ул миллий аскарларимизнинг вазифасини, қиёфат ва шақлини, либос ва тарзи мамлакатини ўзимиз тайин қилурмиз. Мана, бизнинг олдимизда энг катта ишлар турибду...”, дейди у.

Шарқшунос Лазиз Азизовда “У ҳар вақт ўз мақолаларида чор ҳукуматини танқид қилар, баъзан очиқ, баъзан яширн ташвиқотлар қилар ва айни замонда Бухоро амирлигиға ҳам ҳужум қилар эди”, деб таъкидлаган.

Мустақилликка эришиш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири, Бехбудийнинг фикрича, ёшлар ва кекса авлод вакилларининг бирлашуви даркор. Ёш авлод ўзидаги шошқалоқлик иллатидан қутулиб, масалаларни ҳал қилишда илмий асосларға суяниб иш қўриши ва мустаҳкам ирода намоён этиши керак.

1917 йил баҳори Туркистон ўлкаси мусулмон аҳли сиёсий жиҳатдан уйғонди, бу масалада бурилиш ҳолати ясалдики, кучаяётган демократик жараёнларға бош-қош бўлиш истагини баён этган янги кучлар сиёсий саҳнаға чиқдилар. Янги туғилаётган миллий демократик кучларнинг ядроси, яъни маркази сифатида ўз фаолиятида раҳбарлик мавқеиға тайёрларлик қўриб келган жадидлар майдонға чиқдилар.

Маҳаллий халқларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлида ўз гоёларини ўлкада шонли ва зафарли демократик инқилоб билан боғлаган жадидлар ҳаётға ўзлари эълон қилган принципларни татбиқ қилиш бўйича фаол ҳаракат бошладилар. Тобора кенгайиб бораётган демократик жараёнларда маҳаллий аҳолининг сиёсий манфаатларини устувор ҳимоя этиш масаласи 1917 йил февраль воқеаларидан сўнг жадидларнинг сиёсий саҳнадаги фаолияти асосий йўналишиға айланди. Туркистонда бу гоёларнинг бошида Маҳмудхўжа Бехбудий турар эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий Туркистон парламентада фақат рус тилидагина гапириш катта хато бўлур эди, деб ҳисобларди. Туркий ва рус тиллари тенг ҳуқуқға эға бўлиши керак, албатта, бу нарс аэрами-кечми амалға ошади, деб ишонарди. 1917 йил 9-16 апрель кунлари бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ижроия қўмиталари қурултиюйда сўзға чиққан Бехбудий Аҳмад Заки Валидий билан ҳамкорлиқда маҳаллий халқнинг сайланадиган органларға тенг ҳуқуқли асосларда қатнашувини ёқлайди.

Маҳмудхўжа Бехбудий жадидлар орасида катта обрўға эға бўлган. Унинг ишонтира билиш хислати сафдошларига гумон-шубҳа ва қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам берар эди. Аҳмад Заки Валидийнинг гувоҳлик беришича, Бехбудий жадидчиликнинг кенг миллий ҳаракатға айланишиға ишонган. Бехбудий фаолиятида миллий манфаатлар устувор аҳамиятға эға бўлишиға қарамай, унинг ўзи миллий ҳаракат гоёси атрофида барча сиёсий кучларнинг бирлашуви тарафдори эди. У большевикларға ёт кўз билан қараб келган ва уларға нисбатан ёмон муносабатда бўлган. Чўнончи, Бехбудий ўша пайтда мавжуд бўлган барча фирқаларни жуда яхши билар эди. 1906 йили у ўзининг “Ҳайр ул-умури авсатухо” (“Ҳамма нарсанинг ўртаминёнаси дуруст”) мақоласида туртта фирқаға, жумладан, большевиклар фирқасиға ҳам баҳо бериб ўтганди. У социал-демократик фирқа ва унинг дастуриға салбий баҳо бериб, уни утопия деб баҳолаган. У 1918 йил ноябрда миллий зиёлилар томонидан ташкил этилган Туркистон мухториятини оқийшлаб қабул қилган ва катта ёрдам берган.

“Ойина” — “Кўзгу” — “Миръот” — “Зеркало”

“Ойина” журнали Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қайноқ фаолиятини кўрсатадиган ва гоёларини илгари сурган ёрқин ёдгорлик ҳисобланади. Журналнинг биринчи сони 1913 йил 20 августда, охириги 68-сон сца 1915 йил 15 июнда чиқди.

да “Ойина” — “Кўзгу” — “Миръот” — “Зеркало” номи остида чиққан.

“Ойина”нинг тўрт тилда номланиши чет тилларни билиш ва эгаллаш зарурлигини доимо таъкидлаб келган Бехбудийнинг тил бўйича қарашлари далилдир. У чет тилларни билиш таълим олиш, фан ва маданият ривожига ҳамда бутун тараққиёт учун муҳимлигини қайта-қайта таъкидларди. Бинобарин, журналнинг дастлабки сонидаёқ “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласи босилгани тасодифий эмас.

Тез фурсатда журнал кенг омма ичида тарқалиб, халқнинг семвили нашриға айланди. Аммо журнал наشري қийинчиликларға учрар эди. Бехбудийнинг сўзлари билан айтганда, бу “ҳарбий цензор”нинг журнал ишларига доимий аралашуви билан боғлиқ эди. Қисқинага муддат нашр этилган бўлсада, “Ойина” кўп мақсадларига эришиб улгурди. Бехбудий илгор

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2020 йил 18 ноябрь, 222-сон

гоёларини жамият орасида ёйишға эришди. Агар у ўз фаолиятининг илк даврида якка бўлган бўлса, 1913 йилға келиб, уни Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Тошкент ва Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларидаги жадид ўқитувчилар, ўқувчи-талабаларнинг ота-оналари, илгор кишилар, Туркия, Ҳиндистон, Россия, араб мамлакатлари зиёлилари қўллаб-қувватлади, унга китоблар, нашрлар билан ёрдам берилди. Бу 39 ёшли Бехбудий учун кучли манба бўлдики, катта саъй-ҳаракатлар билан журнални чиқара олди. Замондошларининг хотирлашича, Бехбудийнинг қуйидаги сўзлари кўп нарсани, хусусан, унинг тактикасини ойдинлаштиради: “Журналдаги қарашларнинг моҳияти ўз фаолиятини тўхтатган “Самарқанд” газетаси қарашларининг моҳияти билан деярли бир хил. Лекин ёруғликка чиқишнинг ўзға бир йўлини танладим. Фош этиш йўлидан, сатир ва юмор йўлиға ўтдим. Зеро, енгил заҳархандли кулги билан кўп нарсалар эришса бўлади”.

Журналнинг машхур ва маълум бўлганини бу ерға жўнатилган хат, телеграммалар исботлаб турибди. Хатларда ҳаётнинг барча огир-енгил, паст- баланд томонлари ҳақида сўз юритилар эди. Масалан, “Ойина”нинг 1914 йил 14 апрелда чиққан 51-сонида Қозондаги россиялик мусулмонлар, Бухоро фуқаролари, Ҳиндистон университетиди таҳсил олаётган талабаларнинг хатлари эълон этилган. Бу ҳол журналнинг жуда кенг тарқалганини ва машхурлигини яна бир бор тасдиқлайди. Тахририятға келиб тушган хатларда журнал наشريни яна давом эттириш зарурлиги ихор этилган эди. Демак, у замондошларининг маънавий ҳаётида катта ўрин эгаллаган.

Замондошларининг гувоҳлик беришича, Бехбудийнинг чоп этилмаган асарлари жуда кўп. Вафотидан ярим йил олдин ёзиб тугаллаган, мерос ҳуқуқиға оид каттагина — 200 босма табоқ ҳажмдаги асари, форс ва турк муаллифлари асарлари асосида тузилган астрономия бўйича дарслик, аёллар масаласиға оид мақолалар шулар жумласидандир.

Маънавий васият

Ҳазрат Маҳмудхўжа Бехбудий серқирра қобилиятининг гуллаб-яшнаган даврида халок бўлди. У эндиғина 45 ёшға тўлган, катта ҳаётий тажриба тўплаган навақирон инсон эди. Ўлимидан сал олдинроқ у сиёсатдан узоқлашади. Нима учун? Маълумки, охириги йиллари у Халқ маорифи комиссияти Самарқанд бўлимида ишлар эди. Бу йиллари у суқут сақлар, ўз куч-ғайратини таълим тизимини ташкил этиш орқали жамиятға кўпроқ фойда келтириш йўлида сарфларди. Унинг ҳаёт йўлидаги эврилишларни бир хил баҳолаш унчалик тўғри бўлмас. У большевизмға нисбатан салбий муносабатда бўлиб, унинг мағлубиятға учраб, тор-мор келтирилишини ич-ичдан истаган ва Туркистон мухториятининг йўқ қилиб ташланганидан қаттиқ ташвишға тушган, бу ҳақда оташин мақола битган эди.

Лекин большевик ҳукумати унинг халқ орасидаги обрўси юқори даражадалигини тушушган ҳолда, уни “ўзиники” қилиб кўрсатмоқчи бўлди. 1922 йилдаёқ “Наука и просвещение” журнали Маҳмудхўжа Бехбудийни Туркистон мухторияти душмани сифатида кўрсатишға уринди. Мақола муаллифи асоссиз равишда Бехбудийни янги республика ҳукумати азёси бўла туриб, большевиклар билан коалицияда ишлаган деб, “миллатчиларнинг” душмани сифатида кўрсатмоқчи эди. Аммо айнан Қўқон воқеалари уни сиёсатдан четлашға мажбур этди. 1919 йилда у навбатдаги ҳаж сафарига отланмоқчи эди. 1919 йил февралда Тошкентға бориб келгач, Самарқандда ўқитувчиларни қақириб, Тошкентдаги таълим аҳволи ва янги мактаб дастури билан уларни таништирмоқчи бўлади.

Лекин унинг ўзи мажлисға кела олмайди. Садриддин Айнининг сўзларига қараганда, у мазкур учрашувдан 2-3 кун кейин ҳаж сафарига отланган. 1919 йил 25 мартада Бухоро амирлиги чегарасини босиб ўтган ва Шаҳрисабзға келган. Шу ерда уни амир одамлари ушлаб олиб, Қарши жўнатади ва қатл қилади.

Унинг ўлимини большевиклар билан боғлаб кўрсатадиган бирор далил, факт ёки ҳужжат йўқлиги учун ҳам турли-туман гумонлар, шубҳали фикрлар мавжуд. Бехбудий бошчилик қилган “Самарқанд” газетасида ва кейинчалик “Ойина” журналида Бухоро амирлиги қаттиқ танқид остиға олинган эди.

Бехбудий номи ўн йилдан ортиқ расмий тарзда халқ қаҳрамони сифатида тилға олиниди. Қарши шаҳри, Тошкент, Самарқанд кўчалари Бехбудий номи билан атаб келинди. Дуслари унинг тўла асарларини чоп этмоқчи бўлди. Вафотидан сўнгги дастлабки йиллари у ҳақда қўллаб мақола чиқди. Аммо жадидчилик тоталитар тузум домига тушиб, абгор бўлгандан сўнг Маҳмудхўжа Бехбудийнинг номи қамроқ тилға олина бошлади ва аста-секин унутлила борди, унга буржуа миллатчилик ҳаракати йўлбошчиси тамғасини ёпиштирдилар.

Бехбудий ҳазратлари ўз ишининг фидойисси эди. У жон бера туриб, ўлим талвасидада ўз халқига маънавий васият қолдиришға муваффақ бўлди. Дусларига маориф, маданият, фани ривожлантириш ва тараққиётға хизмат этишни васият қилди.

Бехбудий васиятида: “Туркистон болаларини илмисиз қўймаглар. Сизларға васият қиламан! Ҳаммаға озодлиқ йўлини кўрсатинглар”, деган эди. Бугунги авлод халқимиз маърифати йўлида у белгиллаган қўққилар сари интилиб, она Ватан саодатига тинмай хизмат қилиши, маърифатпарвар бобомиз орзуларини рўёбға қиарш йўлида изланиши, билим олиши шарт.

Бугунги кунда улугъ аллома фаолияти давлатимиз ва Президентимиз томонидан юқори баҳоляниб, Маҳмудхўжа Бехбудий сафдошлари Мунавварқори ва Абдулла Авлоний қаторида “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёр

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятға келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифға қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатқа олинган.
Нашр индекси — 236. **Бююртма** — 3082.
42035 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Kolopak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А-й. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:20 Топширилди — 00:30